Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 14 октябрь, пайшанба № 188—189 (21.540). Сотувда эркин нархда.

ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз депутатларга ва сиз орқали Сирдарё вилоятининг барча меҳнаткашларига эзгу ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман. Шу кунларда сизлар ҳам мустақил республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби ғоят мураккаб келган хўжалик йилининг сарҳисобини қилмоқдасиз. Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очиқ ва саховатлидир. Бу ерда ҳар бир миқол ҳосил нақадар катта меҳнат ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги аниқ ва қатъий йўлимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқимда яна бир марта баён этганимдан хабарингиз бор. Ўшанда таъкидлаганимдек, биз аниқ тарихий вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик ва бу йўлда дастлабки самарали қадамлар қўйилди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса зиммасига масъулият юклатилган ҳар бир катта-кичик раҳбарнинг муқаддас бурчидир. Шу билан бирга, ҳар биримизнинг Ўзбекистоннинг келажаги йўлидаги фидойилигимизни, ватанпарварлигимизни, имон ва инсофимизни қаттиқ синовдан ўтказадиган тарихий давр келди.

Албатта, Россияда рўй бераётган воқеалар ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Чунки уларнинг бизга бевосита таъсири бор. Бу фожиали воқеаларнинг асосий сабаби, илдизи нимада?

Шўро салтанати парчаланиб кетгач, ҳамма мустақил республикалар каби, Россия ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди. Менимча, ана шу йўл танлашда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шошма-шошарлик қилинди. Ҳам сиёсатда, ҳам иқтисодда, ҳам маънавиятда одамларнинг руҳияти, дунёқарашига мос йўл танланмади. Бировларнинг гапига кириб, «шок терапияси» деб, ислоҳотлар сунъий равишда тезлаштирилди. Баъзи ижтимоий табақаларнинг эътиқоди назарга олинмади, тарихи оёқости қилинди. Одамларнинг турмуш даражаси пасайди. Натижада одамлар ўртасида зиддият, жамиятда бўлиниш рўй берди. Ҳокимият талашиш, одамларнинг бошини айлантириб ўзига қаратиш бошланди.

Бошқа давлатни, у амалга ошираётган ишларни танқид қилиш нотўғри. Лекин, нима бўлсаям, одамлар озор чекмаслиги, қон тўкилмаслиги керак. Мен Борис Ельцин, Виктор Черномирдин билан телефон орқали суҳбатда ҳам уларга шу гапларни айтдим. Ўзбекистон халқи сизларга, Россия халқига фақат тинчлик тилайди, сизда тинчлик бўлса, бизда ҳам осойишталик бўлади, дедим.

Сессия пайтидан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратлари (ЎзА).

Бизда қўшнинг тинч — сен тинч, деган мақол бор. Тожикистон ҳақида доимо жон куйдириб гапиришимизнинг сабабини ҳам шундай тушунмоқ керак.

Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди. Ахир, ислоҳотлардан мақсад одамларнинг ҳаётини яхшилаш эмасми? Бошқа гаплар кейин бўлаверади. Хулоса шуки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиққан биринчи, асосий тамойилда кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сирдарё вилоятида аҳвол, одамларнинг кайфияти қандай? Афсуски, қониқарли эмас.

Қадрли дўстлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масала, назаримда, ҳаммага бир қадар маълум бўлса керак.

Қисқаси, Сирдарё вилоятидаги вазият ҳаммамизни, аввало Президент сифатида мени ташвишга солмоқда. Вилоятда кейинги пайтларда социал, ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувига, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг аҳволи, одамларнинг таъминоти, кайфияти, кун кечириши, хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, умуман, Сирдарё вилоятида раҳбарлик ишлари қандай бораётганига эътибор бермоқ зарур. Сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизга ислоҳотлар татбиқ этилаётгани, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, фармонлар қай даражада бажарилаётганини ҳисобга олиб, вазиятни баҳолашимиз лозим.

Вилоятдаги ижтимоий аҳвол, ишни ташкил қилиш, олдимизда турган муаммоларни, вазифаларни ҳал этиш йўлида халқни, меҳнаткашларимизни бирлаштириш, жипслаштириш, уларга аниқ йўл кўрсатиш, бошчилик қилиш масалалари атрофлича ўрганилди, тегишли текширишлар, суҳбатлар ўтказилди. Кўпчилик ноиблар, раҳбарлар, ишчилар, фахрийларнинг, умуман айтганда шу эл-юрт жонкуярларининг хулосаси шуки — вилоятдаги бугунги аҳвол қониқарли эмас.

Вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб бормоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йили 1991 йилга нисбатан 92,3 фоизга уддаланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1992 йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилган, холос.

Айниқса, шаҳар ва туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш эътибордан четда қолган.

Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилишдек замон талабига вилоятда етарли эътибор берилмаётир. Ҳозир рўйхатдан ўтган 5 та қўшма корхонадан атиги 2 таси фаолият кўрсатяпти. 493 та кичик корхонадан 52 таси, 47 та ширкатдан 12 тасидагина халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу тизимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳаммаси бўлиб 5 фоизини ташкил этади, холос.

Бозор иқтисодиётига ўтишда мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришнинг аҳамиятини бир қанча туман ҳокимлари унутиб қўйган. Бунга керагича мисоллар келтириш мумкин.

Капитал қурилиш соҳасида бирмунча ишлар қилинганига қарамай, уй-жойларни фойдаланишга топшириш, янги уй-жойлар қуришни режалаштириш ўта суст амалга оширилмоқда.

Аҳолининг аҳволини ҳисобга олсак, бугунги энг долзарб масалалардан бири — халқни ичимлик суви ва газ билан таъминлашдир. Афсуски, бу соҳада қилинаётган ишлар ҳам ҳеч кимни қониқтиролмайди — режа атиги 50 фоиздан зиёдроқ қилиб бажарилган, холос. Кўпгина туманларда эса аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 22—50 фоизга уддаланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ташкилотчилик, ташаббускорлик сезилмаётир. Жойларда тузилган меҳнат биржалари аксарият ҳолларда зиммаларига юкланган вазифаларни бажармаяпти. Ўтган давр мобайнида улар 875 нафар кишини ишга жойлаштирган, холос. Ваҳоланки, рўйхатга олинган 17 минг нафар ишсизга йил охирига бориб яна 2 минг киши қўшилиши кўзда тутилмоқда. Айни вақтда ташкилот, корхона ва хўжаликларда 1200 иш жойи бўш тургани меҳнат биржалари ва раҳбарлар эътиборидан четда қолаётганига нима дейсиз?! Ахир, одамларни иш билан таъминлаш, даромад олиши, турмуш даражасини яхшилаш учун қайғуриш бозор иқтисодиётига ўтилаётган пайтда муҳим аҳамият касб этишини раҳбарлар наҳотки тушунмаса?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам аҳвол яхши эмаслиги кўзга ташланади. Деҳқончилик саноати уюшмаси хўжаликлари ўтган йили қониқарсиз ишлагани сабабли уларнинг молиявий кўрсаткичлари жуда паст бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари 12 асосий турдаги маҳсулотдан 6 таси, яъни 50 фоизи бўйича бажарилмай қолган. Асосий даромад манбаи бўлган пахта 93,7, сабзавот 94,4, узум 76,4, сут 92,8, тухум 72,5, асал 16,4 фоизга бажарилди.

Бунинг асосий сабаби суғориладиган майдонлардан фойдаланиш даражаси пасайиб кетгани ва агросаноат бирлашмасидаги **ходимларнинг масъулиятсизлиги, ихтисоси бўйича билими пастлиги, нотўғри танланганидир.**

Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида бўлмади. **Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш режаси биронта турдаги маҳсулот бўйича бажарилмади. Натижада чорва маҳсулотларини сотишдан 160 миллион сўм зарар кўрилди.**

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида қилинган ишлар натижаси шуни кўрсатадики, вилоят ҳокимлигидаги деҳқончилик мажмуига масъул раҳбарлар ҳамда шу соҳада меҳнат қилаётган ходимлар ўтган йилга қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқармаган.

Чорва молларининг бош сонини кўпайтиришга етарлича аҳамият берилмагани натижасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида барча турдаги молларнинг сони ўтган йилга нисбатан камайтириб юборилди. Шунингдек, давлатга ўтган йилдагига нисбатан 3 минг тонна сут кам сотилди.

Халқимизнинг ризқ-рўзи, асосий даромад манбаи бўлмиш пахтачиликдаги бугунги аҳвол ҳаммангизга маълум. Мен кўп йиллар мобайнида республикада пахта етиштириш аҳволини кузатиб келаман. Лекин Сирдарё вилояти ҳеч қачон бу йилгидек оқсамаган, пахта тайёрлашда энг орқада қолмаган эди. Бу нима дегани ўзи? Сирдарё деҳқонлари, миришкорлари ҳар доим бошқалар учун ўрнак эди-ку! Мана шу чўлларни ўзлаштирган, обод қилган одамлар қани? Сирдарёликларнинг бошқалардан нима камчилиги бор? Бу юртда жонкуярлар йўқми? Бор. Фақат уларнинг бошини қовуштириш, бир мақсад сари йўналтириш йўқ. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, рози қилиш йўқ. Юзингизга айтаман, сизлар меҳнатда тобланган одамларсиз. Бундай заҳматкаш, сабр-қаноатли халқни топиш қийин. Лекин кейинги йилларда қандай янгилик, қандай ташаббус билан чиқдинглар?

Режадаги пахтанинг маълум миқдори ва ортиғини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги фармонни бажаришда ҳам жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Бундай кўп ҳолларда қўли эгри, **ноинсоф, қишлоқ хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган кимсалар мўмай пул ишлаш учун фойдаланган.** Қачонгача бойликни деҳқон яратиб, фойдасини бошқалар кўради? Нега уларга жазо бермаймиз? Бунинг сабабини биламиз, кейин айтаман.

(Давоми кейинги бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. Б. ҲАСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ғуломқодир Ботиралиевич Ҳасанов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиш давлат концерни бошқарувининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 13 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. Б. ҲАСАНОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Ғуломқодир Ботиралиевич Ҳасанов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 13 октябрь.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш хусусида аҳдлашган давлатлар сони яна биттага кўпайди. 11 октябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев ва Марокаш қироллигининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдусалом Зенидед ўз ҳукуматлари топшириғига биноан Ўзбекистон билан Марокаш ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Мазкур ҳужжатда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Ф. ПАРПИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МКДА ҚАБУЛ

12 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Нгуен Ван Дакни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида жаноб Нгуен Ван Дак Ўзбекистонда Республика Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар сиёсати, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида, жумладан Осиё қитъасида тутган ўрни ва умуман ташқи сиёсати ВСР раҳбарияти томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани, шунингдек Вьетнамнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида Маҳмуджон Расулов Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишларини амалга оширишда, мамлакатда турли миллат ва халқлар ўртасида барқарорлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини таъминлашда, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда Халқ демократик партиясининг ўрни ва ҳозирги кундаги фаолияти билан меҳмонни таништирди.

Учрашувда иккала давлат ўртасидаги анъанавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни янги поғонага кўтариш хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Дўстона ва самимий ўтган суҳбатда Вьетнам Социалистик Республикаси элчихонасининг маслаҳатчиси Нгуен Тиен Суан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов ва бўлим мудири К. Жуманиёзов иштирок этдилар.

ФАНИМИЗ ТЎЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Раёсати мамлакатимизда илк бор фан кунларини ўтказиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилдилар. Ушбу оммавий тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг шу йил ноябрь ойида нишонланадиган 50 йиллиги муносабати билан ўтказилиб, унинг жараёнида ал-Фаробий ва ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ворислари бўлмиш олимларимиз улуғ бобокалонларимиз қолдирган буюк меросни ўрганиш ва бойитиш, илм-фан соҳасида янги-янги марраларни эгаллаш бобида қилган ишлари ҳақида халққа ҳисобот берадилар, ўз режалари билан ўртоқлашадилар.

Шу ойнинг иккинчи ярмида меҳнат жамоаларида, дала шийпонларию, дорилфунун ва институтларда бўладиган кўплаб учрашув, илмий анжуман ва давра суҳбатларида мустақил Ўзбекистонда илму фаннинг ривожланишига катта эътибор берилаётгани, Президент Ислом Каримовнинг олимлар тўғрисида, шунингдек, илмий ходимларнинг янги авлодини вояга етказиш ҳақидаги ғамхўрлиги хусусида гапирилади, мамлакатимиз фанининг мустақилликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси, унинг истиқболлари борасида фикр-мулоҳазалар айтилади.

Сиёсий ижроия қўмита Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг шаҳару қишлоқларида ташкил этиладиган фан кунларини тайёрлаш ва ўтказишда партиямиз кенгашлари ҳам маҳаллий ҳокимият идоралари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари жамоалари билан биргаликда фаол иштирок этадилар, деб умид билдиради. Токи, ҳар бир тадбир халқимизга манзур бўлсин, фан билан амалиётнинг алоқаларини чуқурлаштиришга хизмат қилсин, олимларимизни Ватанимиз келажаги йўлида сермаҳсул ижод қилишга илҳомлантирсин.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

АҲДИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

ҚАМАШИ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР!

Туман ҳокими Рашид Бозоровни «Чим» жамоа хўжалиги даласида учратдик. У хўжалик бошқаруви раиси Абдулла Ҳақбердиев билан «оқ олтин» пайкалларини кўздан кечираётган экан. Режа бажарилган бўлса-да, ҳосил кўп. Механизатор ва теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Ана шуларнинг меҳнати туфайли биз биринчилар қатори режани уддаладик, — дейди Рашид Бозорович. — Партия аъзолари, фахрийлар кўпга бош бўлиб ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашга эришдилар. Бир ой иш кунида Ватан хирмонига 32 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб бердик.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам туманда «Фарғона» жамоа ширкат хўжалиги карвонбошилик қилмоқда. Хўжалик заршуносларининг 20 иш кунида режани бажардилар. Давлатга 2800 тонна ўрнига 3,5 минг тонна пахта топширилди. Пахта режасини бу йил 160 фоиздан оширмоқчимиз. Бу қарийб 1,5 миллиард сўм қўшимча даромад келтиради. Туманнинг чўнг хирмонига давлатга режадан зиёд пахта топшириб келаётган «Наврўз» жамоа ширкат хўжалиги, Лапас Муҳаммадиев номли, «Қоратепа», «Оқработ» жамоа хўжаликлари, «Қорабоғ» жамоа ширкат хўжалиги ҳам катта ҳисса қўшди.

Туман партия кенгашининг аъзоси Улдона Ражабова бутун Қашқадарё вилоятида донгдор пахтакорлиги билан машҳур. «Оқработ» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган Улдона опа бригадаси аъзолари ҳозиргача режадаги 164 тонна ўрнига 260 тоннадан кўпроқ пахта тайёрладилар. Яна шу хўжаликдан Шакар Чориев, «Фарғона» жамоа ширкат хўжалигидан Рўзибой Товашаров, «Тўқбой» жамоа хўжалигидан Фармон Бойманов, «Дўстлик» жамоа ширкат хўжалигидан Боқи Баратов, «Чим» жамоа хўжалигидан Қўчқор Раҳмонов каби ўнлаб, юзлаб бригадалар энг юқори натижага эришдилар.

Мусо КАРОМОВ.

ОБУНА—94

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи

64583

(нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бундан ташқари, вилоят агросаноат уюшмасига қарашли хўжаликларда камомад, ўринсиз харажатлар ва талон-торожчилик ҳолларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам қониқарли эмас. 1993 йилнинг 9 ойи мобайнида камомадлар акс этган 38 та тафтиш ҳужжатлари прокуратура ва ички ишлар идораларига берилган бўлса-да, **ҳанузгача кўриб чиқилмаган**. Бунга сабаб нима?!

Жиноят жазосиз қолиши оқибатида хўжаликларда мулкни талон-тарож қилиш ҳамда четга рухсатномасиз маҳсулот олиб чиқиб кетиш ҳоллари такрорланмоқда.

Республика раҳбариятининг аҳолини дон ва ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилаётган ишига тўсиқлар қўйиляпти.

Дон маҳсулотлари республикамизга валюта ҳисобига олиб келиниб турган бир вақтда туман ҳокимларининг кўрсатмасига асосан 1000 тонна буғдой чорва молларига озуқа ҳисобида бериб юборилган. Бунинг тагида жиноят борлиги ҳаммамизга аниқ бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажариш юзасидан қилинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Бугунгача 10 та хусусийлаштирилган фермада гўшт ва сут етиштириш режаси бажарилмаган.

Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг айби билан вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ички механизмларнинг ишлаб кетиши қийин бўлмоқда. Хўжаликларда мулкка бўлган муносабат деярли ўзгармаяпти.

Бугунги кунда вилоятда 650 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётир. Булардан 455 тасига 15 минг ўрнига 3 минг гектаргина ер ажратилган. 200 фермерга эса умуман ер берилмаган. Буни қандай тушунмоқ керак?

Аҳолининг соғлиғини сақлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш давр талабларига тўла жавоб бермайди. Вилоятда оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти деб айта олмаймиз.

Халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги жиддий камчиликлар бартараф этилмаётир. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия бериш шу тизимга қўйилган талабларга жавоб бермайди. **Ўқитиш ҳамон эскича.** Умумий таълим мактабларида 100 дан ортиқ фан ўқитувчилари етишмайди.

Халқ таълими соҳасидаги Президент фармонларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Уй-жойларни хусусийлаштириш учун ариза берган 5344 ўқитувчидан кўпининг илтимоси қондирилмаган. Нега келажак авлодни тарбиялайдиган, унга билим берадиган ўқитувчига бундай муносабатда бўляпмиз? Бу фармонни чиқарганимизга неча йил бўлди? Бунга ким жавоб беради?

Биринчи-бешинчи синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш ҳам қониқарсиз аҳволда. Уларга кўп ҳолларда фақат чой ва нон берилмоқда. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида боғчада тарбияланувчиларга тегишли маҳсулотларнинг атиги 30-50 фоизи берилган. Бунга нима деса бўлади? Бунинг ҳаммасига сабаб ўғрилик, юлғичлик эмасми? Нега шундай одамларнинг башарасини очиб ташламаяпмиз? Мактабларни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам қопиқарсиз экани нега ҳеч кимни ташвишга солмайди?

«Сирдарёсавдо» концернига қарашли ташкилот ва савдо шохобчаларида савдони ташкил қилиш, аҳолини белгиланган миқдордаги моллар билан таъминлашда жуда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ажратилган озиқ-овқат ва саноат моллари аҳолига етарли миқдорда етказиб берилмаяпти.

Савдо дўконлари пештахталарида озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ ҳисоби. Бу соҳа бўйича хусусийлаштириш хўжакўрсинга, аксарият ҳолларда кўзбўямачилик билан ўтказилмоқда. Ваҳоланки, хусусийлаштиришдан туб мақсад — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлмоғи лозим.

Лекин савдодаги раҳбарлар шалоғи чиққан битта газ-сув дўкончасини кимгадир бериб, уни хусусийлаштириш рўйхатига киритиб, кўракларига уриб юрибди. Бунинг ҳаммаси кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига етказиб беришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Аҳолини белгиланган меъёрдаги маҳсулотлар билан таъминлаш, сифатига эътибор бериш, назорат қилиш ёмон аҳволда.

Савдодаги тартибсизликлар камаймаяпти. **Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, ноёб молларни яшириб сотиш ҳолларининг олди олинмаяпти. Харидорлар ҳақидан уриб қолиб, чўнтагини мўмай пул билан тўлдираётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти.** Сирдарё халқига ажратилган моллар, жумладан озиқ-овқат молларининг кўп қисми Тожикистоннинг Ленинобод вилоятига олиб бориб сотиляпти. Мошин-мошин маҳсулот четга чиқиб кетяпти. Буни оддий одамлар кўриб, билиб турибди. Божхона ходимларининг кўзи кўрми? Буни кўпчилик раҳбарлар ҳам, маъмурий орган ходимлари ҳам билади. Лекин чора кўрмайди. Нима учун десангиз, тили қисиқ, ўзлари муттаҳам. Одамларнинг ишончидан қолган, бировнинг юзига қарай олмайди.

Бюджет маблағларининг ўта танқислиги шароитида вилоятда зарур бўлмаган харажатларни камайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаган. Бунинг устига бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар учун кўплаб маблағлар ажратилган.

Айрим ташкилотларнинг раҳбар ходимлари айби билан бюджет ҳисобидан товон пулларини олишда кўплаб қўшиб ёзиш ҳоллари рўй бермоқда.

Ташкилот, муассаса ва корхоналарда давлат маблағларидан фойдаланишда кўпол молиявий хатоларга, кўплаб талон-тарож қилишлар, ғайриқонуний сарф-харажатлар, асоссиз тўловларга йўл қўйилган.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида тафтиш ва текширувдан ўтказилган 303 ташкилот ва муассасанинг 231 тасида, **яъни 80 фоизида ғайриқонуний харажатлар, камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Тартиб-интизом борми ўзи?**

Айтиб ўтилган камчиликлар бошқарма, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилгани, назорат-тафтиш бўлимларидан ахборот ва маълумотлар талаб қилиб олинмагани ҳамда кадрларни **танлашда кўпол хаталарга йўл қўйилгани оқибатида содир бўлган.**

Зарар кўриб ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ҳамон кўплигича қолмоқда. Шу йилнинг 1 сентябригача бўлган маълумотга кўра, 331 корхонанинг 38 таси молия-хўжалик фаолиятини 568 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 788 ташкилотда солиқ бўйича қонунчилик бузилган. Қайта назорат қилиш натижасида давлат бюджетига 517 миллион 415 сўм қўшимча киритилинди. Бу ташкилот раҳбарлари чўнтакни қаппайтиргунча, давлат билан ҳисоб-китобини тўғрилаб қўйса бўлмайдими? Эртага пенсия, нафақаларни, ўқитувчи ва шифокорларга маошни нима ҳисобидан тўлаймиз? Бу давлатни алдаш эмасми?

Ҳурматли депутатлар!

Йилнинг бошида республикамизда жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланганидан хабарингиз бор. Вақтида кўрилган бу тадбирни **халқимиз қўллаб-қувватлади ва енгил нафас олди.** Аммо Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳаларида маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти талаб даражасида эмас. **Соҳа ходимлари ўртасида лоқайдлик, бефарқлик ва маънавий ўпирилиш иллати илдиз отган ҳоллар мавжуд.** Сўнгги йилларда вилоятда жиноятчилик, шу жумладан оғир жиноятлар сонининг ошиб бораётгани ғоят ташвишланарлидир. Масалан, қотиллик 1993 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, республикада 19 фоиз камайгани ҳолда, вилоятда 37 фоиз ўсган.

Жиноятчиликнинг ўсиши маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идораларининг суст ишлашига, вазиятни тўғри баҳолай билмасликларига ҳам боғлиқдир. Кўпгина жиноий ишлар судгача етиб бормай, жиноят содир этганлар жазога тортилмасдан қолмоқда.

1993 йилнинг 9 ойи мобайнида 1693 жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 415 таси фош этилмай қолган. Рўйхатга олинган 52 та қотиллиқдан фақат 25 таси судда кўрилган, холос. Фуқаролар мулкини ўғирлаган 690 жиноятчидан фақат 351 нафаригина жазога тортилган.

Тергов ва суд идораларида оғир жиноятларни содир этганларга нисбатан асоссиз равишда енгиллик бериш ҳоллари кўп учрамоқда. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг «марҳамати» туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутилиб кетмоқда.

Халқ нонини туя қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идоларнинг нима кераги бор? Порахўрлик учунми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қилади? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон таққанлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб қўйибмиз? Нима учун шунча шарт яратиб бердик? Фақат одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?

Оддий одамлар, халқ ана шу воқеаларни, қинғирликларни кўради-да, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда.

Ахир, одамларга яқин бўлишимиз, муаммоларни ҳал этиб беришимиз керак эмасми? Улар бизга ишониб, бизни шунинг учун сайлаган эмасми?

Вилоят ҳокимлиги жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фаоллар билан ҳамкорликда, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб, маслаҳатига қулоқ тутиб ишлашни ташкил қилолмаса, албатта, шу юртда аҳиллик бўлмайди, иш ҳам юришмайди.

Оммавий ахборот воситаларида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топмаётир, уларга раҳбарлик эса бўшаштириб юборилган. Истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этувчи тизимлар ҳаракатга келтирилмаган.

Ҳурматли ноиблар!

Шу ўринда биринчи раҳбар, унинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келди.

Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажратган, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги тўғрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу — ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «Ўйинчи» дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора. Неча марта айтдим, менинг номимни улуғлаш керак эмас! Вилоятларга кираверишда, чегарада суратимни осиб қўйиш керак эмас! Одамлар нима дейди, ахир! Ҳар бир маъруза, ҳар бир нутқ Каримовдан бошланиб, Каримов билан тугайди. Бу нима деган гап? Каримовни тинч қўйинглар! «Яшасин»! деган даврлар ўтди. Ҳаммаси ўтади. Фақат зиммангизга юклатилган ишни бажарсангиз — менга бўлган энг катта ҳурматингиз шу!

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини, унинг ўзига хос жиҳатларини одамларга тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бу — менинг Президент сифатидаги бурчим. Чунки биз бу йўлда елкадош бўлишимиз керак. Лекин ана шу фикрлар баён этилган китобларни ҳам улуғлаш эмас, ўргатиш керак. Танқидий кўз билан, фикр юритиб ўқиш керак.

Энди кадрларни танлаш масаласига келсак, шуни билингларки, бу энг нозик иш. Одамлар жойида ўтирса, топширилган ишга муносиб бўлса — шунинг ўзи 50—60 фоиз ютуқ демакдир. Ўзи рози бўлса, ундан эл рози бўлса, бундан ортиқ бахт йўқ. Аммо, вилоятда ҳамон сўзамол, гапга тўн кийдирадиган, ўзини донишманд қилиб курсатадиган, лекин халқнинг назаридан қолган кишилар масъул лавозимларда ишлаб келмоқда. Қани вилоят ҳокимининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўрни?

Вилоятда кадрларни танлаш, уларни ўрганиш жараёнлари халқ депутатлари, фаолларидан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятлилиги, қобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати инобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида тақсимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарлардан юрт, Ватан, истиқлол манфаати учун нима кутиш мумкин?

Баъзи раҳбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг наздида, жонини олишдай гап. Қўрқади. Нега? Қўлидан бошқа иш келмайдими? Оч қоладими? Йўқ. Сабаби шуки, амалини суиистеъмол қилиб келган бўлади. Мансабдан манфаат топмаса, нега бунча қўрқади?

Сирдарё вилоятида ҳам иккита ҳоким муовини лавозими бўш турди. Баъзи ҳокимлар қўл остида ёш, кучли, ташаббускор одам ишлашини хоҳламайди. Сабаби заиф раҳбар кучли муовинидан қўрқади. Сирдарёда ана шундай чўлда тобланган ёшлар йўқми? Жуда кўп. Фақат уларни тарбиялаш, ўстиришга эътибор йўқ.

Сизлар фақат ҳамма камчилик, ҳамма «бало» бизнинг вилоятда экан, деб ўйламанг. Афсуски, бу камчилик, бу эски касаллик кўп вилоятларга ҳам хос.

Вилоят ҳокимининг эътиборсизлиги ва қатъиятсизлиги туфайли раҳбарлар орасида аҳиллик йўқ, бундай аҳвол бошқариш самарасига салбий таъсир қиляпти.

Бу хато ва камчиликлар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокими раҳбарликни, талабчанликни мутлақо бўшаштириб, вазиятни чигаллаштириб юборган. Биринчи раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир. Бугунги замон раҳбарлик лавозимида ўтирганлардан қатъий талаб қилади. Раҳбар бўлиш ҳаммининг ҳам пешонасига ёзилмаган.

Заиф, ўз соясидан қўрқадиган, лекин ўз манфаатини эсидан чиқармаётган шахслар — ўйинчилар билсинки, уларнинг замони — даври ўтди.

Энди ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан — мен учинчи тоифага киритган кадрларга умид боғлашимиз керак. Мен Қашқадарёда ишлаб юрганимда, ана шундай ёшларни кўрсам, қани энди, бирон ўрин бўшасаю уларни кўтарсам, деб орзу қилардим. Бунинг учун вилоятдаги ана шундай ёшларни излаб топиш, яъни ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиш керак.

Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечиряпмиз. Кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам агар мендан Президент, давлатимиз раҳбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб сўралса — олло таолога минг шукроналар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сўрардим, халқимизнинг ризқини, насибасини сўрардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим.

Ана шу мақсад — муродимизга етиш учун нима керак, деб сўралса — авваламбор эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обрўси учун, Ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкўяр, камарбаста раҳбарлар керак. Қани энди, шундайлар ҳар қайси вилоятда, туманда кўпроқ бўлса, дер эдим.

Ҳар қайси шаҳар, туманларимизда, йўлларнинг ҳар бир чорраҳасида мана шу ҳаммамизни қалбимизда бўлган, ҳаммамизни муқаддас ишларга чорлайдиган сермазмун шиорни катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўярдим: «Бу азиз Ватан барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир».

Ҳурматли ноиблар!

Неъматларга бой еримиз бағри кенг, меҳнаткаш халқимиз бор. Мана, дунёни кўряпмиз. Бундай халқ, яна такрор айтаман, ҳеч қаерда йўқ. Келинг, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзимиз тузатайлик. Ватанимиз, халқимиз бахт-саодати учун ўзимиз курашайлик. Чунки келажак — ўзимизга керак. Ўшанда Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, ёруғ истиқбол йўлидан ортга қайтмайди. Фақат қўлни қўлга бериб ишласак, аҳил бўлсак, иншооллоҳ, барча эзгу ниятларимизга етамиз. Келажак учун хизмат қилайлик.

• Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг икки йиллиги олдидан

НЕГА ПАРТИЯ САФИГА ЎТДИМ?

— Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ислом Каримов юргизаётган ташқи ва ички сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаганим, Ўзбекистонни ўз Ватаним, ўз уйим, Халқ демократик партиясини ўз партиям, деганим учун ҳам яқинда ХДПга аъзо бўлдим, — дея гап бошлади Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Лидия Ивановна Қурбонова.

Ўзим бирлашманинг аккуммуляторлар қувватини қайта тиклаш станциясида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Шу ерда бахт-саодат топдим. Оиламизга ёшлар мураббийси Тўрашхон Жўраев кўп йиллар ёрдам кўрсатганлар. У кишининг ғамхўрлиги менга худди ўз боласига яхшилик қилаётган оталарни эслатади. Сабаби болалигим етимхонада ўтган, ота-она меҳрига муҳтож эдим. Ўзбек халқи ўз ота-онамдек бошимни силади, иссиқ оғушига олди, нон ва туз берди, яхши ва инсофли одамлар қаторига қўшди. Тақдир мени Абдуқодир Қурбонов билан таништирди. Турмуш қурдик. Олти нафар фарзандли ҳам бўлдик. Уларга қўшимча иккита рус ва битта татар қизини тарбиямга олдим, уларни катта қилдим. Эндиликда улар ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб олишди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганда жуда қувондик. Чунки, пахтанинг аъло нави, тилламизнинг ҳаммаси Москвага кетарди. Яна бир нарсага ҳайрон қолардим. Иваново ип-газлама комбинатлари пахта хом ашёсидан газлама тўқирди. Бизнинг комбинат эса Белорусия ва Русиядан вискоза билан лавсанни ташиб келтириб, штапелдан газламалар тўқишга мослаштирилганди. Занжир билан боғлашни қаранг, 70 хил эҳтиёт қисмларни ҳам собиқ СССРнинг 54 та шаҳридан олардик. Ҳамма пулими.., соф фойдамиз вазирлик томонидан олиб қўйилди, енгил саноатчилар энг кам маош олиб ишлашга мажбур эдик. СССР тарқалгач, банклараро муносабатлар бузилди, бир-бирига пул ўтказиш иши издан чиқди. Украина, Белорусия ва Русиядан келадиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар келмай қўйди. Йигирма минг кишилик жамоамиз кишилари нима қилишларини билмай қолишди. Охири, пахта хом ашёсидан мато тўқишни бошладик. Аммо, техника ва технология занжирлари вискоза ва лавсанга мосланган, шунинг учун пахта билан ишлаш бизга катта машаққат ва харажатга тўғри келяпти.

Бугун корхонамиз ҳаёти анча дуруст, «Ўзлегпром» уюшмаси бироз ёрдам кўрсатди, ҳозир астойдил ишлаяпмиз. Одамлар қалбида эртанги кунга ишонч бўлмас экан, ҳаётнинг мазмуни ҳам бўлмайди. Янаги йил учун уч минг тонна вискоза керак. У Русиядан олинади. Яна шунча лавсанни Белорусдан оламиз. Улар берадими, йўқми, тангри биласи. Ўзбекистонимизда етиштирилаётган 1600 тонна пахта хом ашёси ҳам зарур. Шулар бўлсагина янаги йили биз халққа кўплаб кўйлаклик газлама етказиб, матолар тўқиб бериш имконига эга бўламиз. Демак, Халқ демократик партияси Марказий Қўмитаси ҳам бизга ёрдам қўлларини чўзишлари зарур бўлиб қолди. Чунки Наманган вилоятида эса катта партия ташкилоти бизнинг корхонада. Ўн битта партия ташкилоти атрофига тўрт юз нафар ХДП аъзоси уюшганмиз. Ойма-ой 76—85 нафар илғор ишчи партия сафига кирмоқда. Шу йили сафларимиз мингдан ошиб кетиши кутилмоқда. Йигирма икки миллат фарзанди партияга ўз истаги билан кирган экан, бу Ислом Каримов раис бўлган партиянинг обрўэътибори тобора кучлироқ бўлиб бораётганидан далолатдир.

Жамоамиз аҳил, турли миллат вакиллари билан оғаини, опа-сингилмиз. Ёдимдан чиқмайди, 1987 йили турмуш ўртоғим ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олди. Бутун бирлашма унинг тақдири учун курашди. Катта-ю кичик чин юракдан ғамхўрлик кўрсатишга шошилди. Тезда самолёт билан Тошкентга юборишди. У ерда даволаниб, сўнг Кисловодскка бориш имкониятига эга бўлдилар. Шундан кейин ҳам маҳалла-кўй, ҳамкасблар бизни унутишмади. Ҳам моддий, ҳам маънавий мадад кўрсатишди. Маҳалла аҳли эса эгизак фарзандларимиз Алишер ва Акмалжонларнинг қўлини ҳалоллаш учун эл олдига дастурхон ёзишди. Ҳамма харажатларни, ташкилий ишларни зиммаларига олишди. Тўй биноийидек ўтди, дилимиз чоғ бўлди.

Мени қувонтиргани шуки, Ўзбекистонда, жумладан, Наманганда ҳам собиқ Иттифоқнинг баъзи давлатлари бўлаётганидек миллатлараро келишмовчиликлар йўқ.

Шунинг учун ҳам ўзбек халқидан миннатдорман. Унинг беадад яхшиликлари учун ҳамиша ўзимни қарздор деб биламан. Буларнинг ҳаммаси тўғри ички ва ташқи сиёсат олиб бораётган Ислом Каримов ва у раис бўлган Халқ демократик партиясининг аъзолари бевосита ташкилотчилиги, ташаббускорлиги мевасидир. Шунинг учун ҳам ана шундай кишилар сафида бўлишни орзу қилдим. 47 ёшимда ХДПга аъзо бўлдим. Менга катта ишонч билдиришди. Шунга яраша муносиб яшашга, ишлашга, курашга ваъда қилганман.

Мустақил Ўзбекистон — менинг Ватаним, Истиқлол — менинг истиқболим, фарзандларим ҳаққи-ҳуқуқи унга бир фарзанддек хизмат қилганим бўлсин.

Суҳбатдош: журналист Турғунўлат СУЛАЙМОНОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА...

Газета ва журналларга 1994 йил учун обуна давом этмоқда. Бундан 3—4 йил аввал муштарийлар ўзларига ёққан беш-олтита ва ҳатто ўндан ортиқ нашрларни олиб ўқиш имкониятига эга эдилар. Бугун эса... Қоғоз нархи, босмахона ва нашриёт ҳаражатларининг тинимсиз ошиб бораётганлиги газета-журналлар таннархини ҳайратланарли даражада ошиб кетишига сабаб бўлди. Аммо...

Халқимизда «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи», деган гап бор. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда чоп этилаётган деярли барча нашрларнинг республикамиз ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида ўзига яраша ўрни бор. Ҳар бир нашр ўз йўналиши, дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, янги жамият кишисини тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарманинг ташкил этилиши эса оммавий ахборот воситалари ходимларини эзгу ниятлар йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга, ёш мамлакатимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни матбуот саҳифаларида янада тўлароқ акс эттиришга, мустақиллигимиз душманларининг ошкора ва пинҳона кирдикорларини аёвсиз фош этишга ундамоқда.

Қуйида бир қатор газеталарнинг 1994 йилги обуна баҳоларини эълон қилмоқдамиз. Ўзингиз севган, узоқ йиллардан бери мулоқот қилиб келаётган нашрларга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг.

Газеталар	Индекс	Обуна баҳоси: 1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
«Халқ сўзи»	64608	1677	5013	10062	20114
«Ўзбекистон овози»	64583	1700	5100	10200	20400
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»	64593	577	1731	3462	6924
«Туркистон»	64607	1214	3642	7284	14568
«Ватан»	75499	396	1188	2376	4752
«Маърифат»	64595	820	2460	4920	9840
«Замон — Ўзбекистон»	75489	334	1002	2004	4008

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИҒА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

Имкониятни бой бермай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм. Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳиқмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1993 йил 13 октябрга қадар бўлган МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами: Бир кунда	Жами: Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
Хоразм	2.48	83.87	1.09	10.78
Бухоро	2.66	77.37	0.88	18.64
Сурхондарё	2.18	67.43	1.57	37.02
Қорақалпоғистон Республикаси	2,30	63.49	1.91	41.26
Қашқадарё	3.71	61.43	3.82	50.26
Навоий	3.67	53.17	2.37	23.15
Фарғона	2.63	42.67	0.62	6.15
Андижон	3.25	39.43	1.20	5.39
Самарқанд	3.22	30.42	1.83	10.93
Наманган	2.65	28.10	0,83	4.98
Тошкент	3.33	24.36	2.90	12.10
Жиззах	3.01	20.16	3.09	16.88
Сирдарё	1.46	11.09	1.00	3.72
Республика бўйича:	**2.79**	**46.95**	**1.91**	**19.64**
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2.33	55.94	0.00	0.00
Қашқадарё	2.76	23.94	0.00	0.00
Наманган	0.94	6.74	0.00	0.00
Республика бўйича:	**2.41**	**48.13**	**0.00**	**0.00**

• *Иқтисодий ислоҳот: тажриба, муаммо, мулоҳаза*

ЧОРВАДОР НЕГА ПАХТА ЭКМОҚЧИ?

Қўйиб берсангиз, Сурхондарё чорвадорларининг бедазорларни эртага бузиб жойига пахта экадиган чўти бордай кўринади. Гапимизнинг исботи учун қуйидаги рақамларни келтирамиз: вилоят гўшт ва сут саноати давлат акционерлик бирлашмасига қарашли О. Эшонов номли чорвачилик хўжалиги бу йил 200 гектардан знёд майдонда пахта етиштирмоқда. Бирлашма директори Ш. Бобомуродовнинг айтишича, Ангор туман хўжаликлараро чорвачилик корхонаси ишчилари ҳам 69 гектарни пахтага ажратишди. Ҳатто Термиз туманидаги чўчқабоқарлар пахтакорликни ҳавас қилиб қолишди.

Бу ҳавас нимадан пайдо бўлмоқда?

— Шамбат чорвачилиги ҳамон эски тартиблар билан яшамоқда. Бу гапни асосан ўзимизнинг мисолимизда айтяпман, — дейди Эшонов номли давлат хўжалигининг директори Н. Қаландаров. — 8 минг бош қорамол боқаяпмиз. Вилоятдаги жамоа тармоғи бўйича етиштириладиган гўштнинг учдан бир фоизи бизнинг ҳиссамизга тўғри келади. Бу йил, эҳтимол, даромадда бир миллиардлик маррага чиқиб олармиз. Бу, кўнгилкўтарадиган гаплар.

Лекин, харажатларимиз... Бир кунлик ўт ҳисобига уч тонна ёнилғи сарф қиляпмиз, деган гапимнинг ўзидан кўп нарса тушунарли бўлиб қолар. Бунинг устига вилоятдаги 40 та хўжаликнинг кўчасини чангитиб, мол ташиймиз (ёш бузоқларни келтириб боқиб, семиргач, давлатга топширишга ихтисослашганмизда). Эллик чақирим узоқликдаги Термиз гўшт комбинатига ҳалакмиз. Мол элтамиз, Комбинатнинг совутгичларида жой бўлмай қолади. Ҳафталаб кутамиз. Элтган молимиз орқалаб кетади. Гоҳида тарозиларнинг шайтонлари бизнинг зиёнимизга ишлай бошлайди. Молнинг териси, ичак-қорни, калла-почасини сийловга қолдирамиз-у, қайтаверамиз. Молнинг пулини вақтида ололмасак.

Нима дейсиз. Омухта емни-ку, асти сўраманг. Денов мой заводидан шрот, шелухани ташиб олиш харажати харид нархидан 5—6 баробар ошиб тушади. Бу ташвишларни йиғиштириб қўйиб, пахта эксак-чи? — Бир иш, бир ташвиш. Озуқабоп гектардан кўра пахтанинг гектари икки баробар сердаромад. 250 гектар нима бўпти, келгуси йили 500 гектарга етказамиз пахта майдонини...

— Лекин...

— Ҳа, лекин чорва ҳам зарур нарса, — дейди Норсоат ака менинг нима демоқчи бўлганимни англаб, — чорвани йўқотиб бўлмайди. Чорва йўқолса,уни қирқ йилда ҳам тиклаб бўлмайди. Маълумотларга қараймиз, вилоятимизда қорамол йил сайин камайиб кетаётганини кўрасиз. Гўшт, сут етиштириш камайиб бормоқда.

— Сиз молни сўядиган цех очинг. Кимга гўшт керак бўлса, шартнома тузиб, ўзи сиздан келиб олиб кетсин. Янтоққа туянинг ўзи бўйин чўзади-ку! Чорваси-ю ичак-чавоғини пуллайсиз. Терисидан чарм тайёрлаб, бозорга чиқсангиз-чи, шунинг ўзи ёнилғининг ҳаражатини кўтаради. Бу ишингизни кўрганлар пахтани йиғиштириб, ерга беда экамиз демаса, айтаверасиз кейин, — дейман Қаландаровга.

— Бу таклифни мен бир-лашма раҳбарларига, туман ҳокимлигига билдирганман, — дейди Қаландаров. — Жавоб бўлса қисқа: пул йўқ, маблағ йўқ...

— Бу таклифни хўжалик раҳбарларига мен ҳам айтганман. Гўштни колбаса қилиб сотинглар-чи, соф даромадларингнинг ўзи миллиардга етади, деганман. Жавоб оддий: пул йўқ, маблағ йўқ.

Фикрларнинг бир жойдан чиққанини қаранг. Лекин ҳамфикрлик шу тарзда давом этаверса борми, таклиф-таклифлигича, орзу-орзулигича қолаверади. Иш бўлса музлаб тураверади. Бировга қайишмайдиган гўшт комбинатининг бўсағасида ранги сарғайиб туришдан чарчаган чорвадор бор-е, дейди-да, юқори идораларнинг «ҳай-ҳайлашига қарамасдан гоҳида ошкора, гоҳида ҳуфёна равишда бедами, макками экилиши лозим бўлган жойга чигит экиб юборади.

Хўш, иқтисодиётга нуқул зарари тегиб келаётган вилоят чорвачилигини саноатлаштириш хусусидаги ишлар ҳозирча таклиф билдириш-у, фикрлашдан иборат бўлиб қолаётган экан, бу соҳани бир ез бўлса-да, ўнглаб олишни амалга оширса бўладиган имкониятлардан фойдаланиляптими?

— Вилоятимиз шароитида бир гектар суғориладиган ердан 10 тонна озуқа бирлиги олса бўлади, — дейди Ш. Бобомуродов. — Бу — 200 центнер беда, дегани. 200 центнер беда — 1 тонна гўшт дегани. Шу нисбатга риоя қилинса, чорвачиликнинг қадди унчалик букилиб қолмайди. Афсуски...

Ҳа, афсуски шундай бўлмаяпти. Рацион рисоладагидай расмийлаштириларади. Озуқа жамғариш, уни сарфлаш режалари бажарилаверади. Маҳсулдорлик бўлса пасайса пасаяди-ки, зинҳор ўсмайди. Ҳаражат ошиб бораверади. Қизириқ тумани деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг ўринбосари Бобоқул Обилов: — бир килограмм сут ишлаб чиқаришга бир ярим озуқа бирлиги сарфлаяпмиз, — деб қолди. Бу шу йил ёз фаслида бўлган гап.

Энди шу туманда 1560 гектарда макка, 4395 гектарда беда, 160 гектарда лавлаги етиштирилади. Демак, озуқабоп майдон 6115 гектар (2500 гектардаги бошқоли дон майдонини бу ҳисобга қўшмаяпмиз ҳали). Энди чорва маҳсулотларини етиштириш режасига қаранг: гўшт — 2395, сут — 4853 тонна. Агар иш Бобомуродов айтганича бўлгандами, шунча озуқабоп ери бўлган туман чорва-маҳсулотини шу режага нисбатан икки баравар ошириб бажарган бўларди. Икки баравар қайда... Бу мулоҳазамиз вилоятнинг бошқа туманларига ҳам тааллуқлидир.

Яна бир гап. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси чорвачилик бўлимининг бошлиғи Т. П. Бондаренко билан август ойининг бошларида қилган суҳбатимда у вилоятимизда 209 қорамолчилик фермаси бор. Шундан 37 таси йил охиригача хусусийлаштирилиши керак. Ҳозиргача 28 таси хусусийлаштирилди чамаси, деди.

Биз хусусийлаштирилди, деган фермаларни ҳам кўрдик, ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Ишлар чала-чулпа. Хўжалик бир томонга тортса, банк бошқа томонга тортади-я! Хусусийлаштирамиз, деб фермани аросатда қолдириб қўйдик — деди Қумқўрғондаги Н. Мирзаев номли жамоа хўжалигининг ферма мудири Э. Номозов. — Банк ҳисоб очмайди, хўжалик молини 24-ҳисобдан чиқармайди. На озуқанинг, на техниканинг тайини бор.

Энди, бир кичик корхонанинг олибсотарлик билан шуғулланиб юрган бошлиғи айтган гапга эътибор қилинг:

— Колхоз хўп деса, битта фермасини дарҳол сотиб олган бўлардим. Сотиб олганим заҳоти ферманинг ўзида пишлоқ, сариёғ тайёрлаш цехини очардим.

Бир килограмм сутни камида бир ярим—икки доллар қийматига етказиб сотолмаган чорвадор чорвадорми? Чорвадан маҳ шундай (у қўлини ёзиб кафтини кўзи олдидан югуртиради) фойда олса бўлади.

Энди шу «мақтанчоқ»дан не ҳунаринг бор, деб сўранг. «Жигули»га устачилик қилганман дейди. Чорванинг тақдири келиб-келиб сенга ўхшаш аккумуляторчига қолмас, деган гап хаёлингиздан кечар? Ахир, дўппини отсангиз чорванинг мутахассисиман, деб юрганнинг бошига бориб тушади.

Чорвачилик бўлса...

Қўйиб берсангиз чорвадорларнинг кўпчилиги бедазорлари ўрнига пахта экадиган чўти бордай кўринади. Қизиқ-да...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кийим-кечаклар тикиб элни мамнун қилаётган Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси 70 ёшга тўлди.

Даставвал тикувчилик цехи ишга тушган эди. Икки йилдан кейин цех уч қаватли бинога кўчиб ўтиб, фабрикага айланди. Бор йўғи 234 нафар ишчиси бўлган корхонанинг қуввати йилдан-йилга ортиб борди. Уруш йиллари бу ерда ҳарбий кийимлар тикилди. Эндиликда корхонада тикилаётган болалар ва ўсмирлар кийимлари, катталарнинг пальто, костюм, ёмғирпўш каби маҳсулотлар харидоргир бўлиб қолди. Меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган. 3 минг нафар ишчиси бўлган корхонада йилига миллион донадан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона мутахассислари бундан буён хориж билан алоқа боғлаб, ҳамкорлик қилиш ниятида.

СУРАТДА: илғор тикувчи Лола Қулмонова, Дилором Исроилова, бош муҳандис Саломат Султонова, Заҳира Ғойбова ва Доно Асомовалар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?*

ТЕЖОҒЛИНИНГ УЙИ—БЕЖОҒЛИ

Аввал хабар қилганимиздек, шу йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш масаласи бутун кескинлиги билан муҳокама этилганди. Қуйида мазкур масала Андижон вилоятида қандай ҳолатда эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бизда нефть маҳсулотларининг асосий қисми ҳозирча республикамиз ташқарисидан келтирилади. Шунга қарамай, азал-азалдан ёнилғи ва мойлаш материалларига беписандлик билан қарашга ўрганиб қолганмиз. Шу сабабли давлат ва жамоа хўжаликларида бу маҳсулотларни сақлаш, сарфлаш маданияти ҳамон қолоқ ва пастлигича қолмоқда. Хўжасизлик, лоқайдлик, юлғичлик, олиб сотарлик сингари иллатлар шу соҳада жамланганлиги ҳам фикримизга мисол бўла олади. Бу нарса Андижон вилояти халқ хўжалигида, жумладан, қишлоқ ва сув хўжаликлари, қурилиш ташкилотларида нефть маҳсулотларидан фойдаланиш, унинг сақланиши ва ҳисобининг юритилиши бўйича қилинаётган ишлар текшириб кўрилганда яна бир бор намоён бўлди.

Вилоят деҳқончилик саноат бирлашмаси тармоқларида ёнилғини ўринли сарфлаш юзасидан аниқ, пухта режа ва тизим ишлаб чиқилмаган. Қайси соҳа ёки туркум ишларга қанча ёнилғи керагу, қанчадан сарфлаш лозим? Бунинг ҳисоби йўқ. Аксинча, ёнилғини ўзбошимчалик билан сарфлаш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Бирғина ўтган йили 18 тоннага яқин бензин ва 51 тонна дизель ёнилғиси бошқа тармоқ ташкилотларига ҳотамтойлик билан инъом қилиб юборилди. 107 тонна дизель мойи эса қиш ойларидан иситиш тармоқларига сарфланди. Шу йилнинг ўзидагина бирлашмага қарашли 4 та хўжаликнинг ўзида 185 тонна бензин меъёридан ортиқча сарфлангани аниқланди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти пайтида ёнилғининг ҳар томчиси тиллога тенг бўлиб турган бир шароитда уни ноўрин сарфлаш бориб турган жиноят эмасми? Буни қарангки, шу йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги олти хўжалик фонди тугаган бўлса-да йўлини қилиб давлатга қарашли 39,2 тонна бензинни, 12 та хўжалик эса 160,1 дизель ёнилғисини фонд интизомини бузган ҳолда ортиқча олган ва бунга хўжаликнинг талай маблағини сарфлаган.

1992 йили ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжалигида қишлоқ хўжалик машиналаридан тўғри фойдаланилмагани сабабли 78,8 тонна дизель мойи ортиқча сарфланган. Марҳамат туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида 4,9 тонна дизель мойи, 0,8 тонна бензин, Жанубий Фарғона канали бирлашмасида 11,8 тонна бензин 4,3 тонна дизель мойи ва шу тумандаги 112-кўчма колоннада 4,6 тонна бензин, меъёридан ортиқча сарфланган.

Айрим хўжалик раҳбарлари ёқилғи ва ёнилғини четдан келтириш машақатларини, бунинг учун давлатимиз қанчадан-қанча маблағ сарфлаётганларини тўғри идрок қилолмаяптилар, шекилли. Ўйламайнетмай мансабини суиистеъмол қилиб, ёнилғи маҳсулотларини зарур бўлмаган ишларга сарфлаб юбормоқдалар. Хўжасизликни қарангки, Бўз туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида 25 тонна дизель мойини ўтган кузги мавсумда уй хонадонларини иситиш, овқат пиширишда газ ва мазут ўрнида ишлатганлар.

Комсомолобод туманидаги 15 хўжаликда 63,9 тонна бензин, 59,7 тонна дизель мойи бебошлик билан ташкилотларга бериб юборилган. Айрим жойларда эса ушбу маҳсулотларни шахсий автомашина эгаларига сотиб юборилгани ва бу сарфланган ёнилғи хўжалик ҳисобидан чиқарилгани маълум бўлди.

Вилоятдаги кўпчилик хўжаликларнинг ёнилғи сақлаш ва тақсимлаш қўрғонларида ва техника воситаларида ўлчов асбоблари ишламайди. Бу ҳол ёнилғи маҳсулотларидан тўғри ва самарали фойдаланишга имкон бермайди.

Избоскан туманидаги Калинин номли жамоа хўжалигида, Марҳамат туманидаги 112-механизациялашган кўчма колоннада мавжуд автомашиналарнинг ҳаммасида 47 фоиз спидометрлар ишламагани ҳолда йўлга чиқарилади. Бу аҳволда ёнилғини сарфлашдаги ҳисоб-китоб тўғрисида гап бўлиши мумкинми?..

Ҳатто ҳозиргача автомашина ва тракторларга ёнилғини турли ҳажмдаги идишларда ўлчаб қуйиладиган хўжаликлар ҳам бор. Жумладан, Балиқчи туманидаги «Ғалаба», Хўжаобод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида аҳвол шундай.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида тракторларнинг аккумуляторлари етарли эмаслиги ёнилғи харажатининг сунъий кўпайишига таъсир этаётган омиллардан биридир. Асака, Олтинкўл, Пахтаобод туманларидаги хўжаликларнинг 80 фоизгача тракторларида аккумулятор йўқлиги сабабли эрталаб юриб турган техника моторлари кеч кириб қоронғу тушгунича ишласа-ишламаса ўчирилмайди. Бу ҳам ёнилғи исрофгарчилигини келтириб чиқармоқда. Мазкур салбий ҳолни бартараф этиш ҳозирги куннинг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда эркин нархга ўтилаётгани ёнилғига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Ўтган йили вилоят хўжаликларида жами харажатларнинг 19,4 фоизигача бўлган қисми нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1993 йилнинг кейинги ойлари давомида бу кўрсаткич ўртача 70 фоизни ташкил этди. Бундан буён бу рақамлар ошмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун хўжалик ва ташкилот раҳбарлари ёнилғи сарфлаш, сақлаш ва ҳисоб-китобини ўз назоратларига олишлари керак. Шундагина Президентимиз ва ҳукуматимиз белгилаган ва кўрсатган улуғвор тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Рустам РАҲМОНОВ,
Андижон вилояти.

• *Ишбилармонлар бор бўлсин*

ИШОНЧ—КЕЛАЖАК АСОСИ

Дўстлик туманидаги «Дўстлик» ширкат бирлашмаси жамоасини Жиззах вилоятида янгича иқтисодий ислоҳотларнинг амалиётчилари сифатида яхши билишади. Чунки, бу хўжалик 1988 йилдаёқ ўша даврнинг ижара пудрати усулига дадиллик билан ўтган эди. 1990 йилда эса хўжалик ширкат бирлашмасига айланди. Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳаётга мулкчиликнинг янгича йўриқлари кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ, ширкат бирлашмаси бу йилга келиб бутунлай давлат тасарруфидан чиқди.

Суннат Эргашев жамоага бир неча йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётир. Биз у билан юз бераётган ўзгаришлар ва унинг самаралари ҳақида суҳбатлашдик.

— Яқин олти йил ичида хўжалик иқтисодий бошқарувининг уч турини босиб ўтди. Бу ўзгаришларнинг бонси нима? Тажрибаларнинг кўнгилдагидек самара бермаётганми ёки изланишми?

— Аслида иккиси ҳам эмас, лекин, охиргиси сал ҳақиқатга яқинроқ. Чунки ислоҳотнинг ўзи изланиш. Биз ижара пудрати усулига ўтган пайтимизда ҳали собиқ Иттифоқ ҳам, унинг қонунлари, тартиблари ҳам кучда эди. Демак, давлат тасарруфидан чиқиш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмасди. Ўша пайтда хўжаликни бошқаришнинг нисбатан янгича йўлига ўтиб янглишмаган эканмиз. Одамларимиз мустақил ишлашга ўрганишди. Икки йил бурун ижарадаги далачилик бригадалари мустақил ширкатларга айланганда иш енгил кўчди. Ўшанда хўжаликда 8 та далачилик ширкати, 6 та хизмат қиладиган ширкат тузилди. Ширкатларнинг ишини мувофиқлаштирувчи бирлашмага раҳбар бўлиб қолдим. Бу йилга келиб, жамоамиз билан келишган ҳолда давлат тасарруфидан чиқдик.

— Демак, бугуннинг тили билан айтадиган бўлсак, хўжалик эндиликда иқтисодий мустақилликка эришди. Жамоа бор мол-мулкининг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланди. Бу йўлнинг ўзини оқлашлоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради». Худди шу ҳол бизнинг одамларимиз руҳияти, кайфиятида ҳам рўй бермоқда. Боқимандалик кайфиятининг ўрнига тадбиркорлик, ишбилармонлик, жонкуярлик хусусиятлари шаклланаётир. Ҳар қарич ер, техника, ўғит, ҳар қатра сув, ҳатто вақт учун қайғуришни ўрганаяпмиз. Харажат ва даромад ишимизнинг асосий мезони. Ҳамма мана шу иккиўлчовнинг ўртасида ҳаракат қилади. Биринчисининг иложи борича кам, иккинчисининг кўп бўлишини истайди. Шунга яраша йўл қидиради. Мана бир мисол ўтган йили 4 минг тоннага яқин ўғитни арзон нархда олиб қўйган эдик. Механизаторларимиз 86 та пахта териш машинасининг агрегатини илгаригидек таъмирлаш корхоналарига жўнатмасдан ўзлари созладилар. Натижада 156 миллион сўм маблағ тежаб қолинди.

— Бундай олиб қараганда ширкатлар ҳар жиҳатдан мустақил ҳисобланади. Ширкатнинг бирлашма билан муносабатига тўхталиб ўтсангиз.

— Биз ширкатлар билан шартнома асосида ишлаймиз. Уларни техника, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи, ўғит, сув, иш ҳақи, уруғлик хуллас керакли нарсалар билан тўла-тўкис таъминлашга бирлашма зиммасида. Ширкатлар эса ўз навбатида етиштирилган маҳсулотларини юз фоиз бизга сотади. 4100 гектар майдонда пахтамиз бор. Бедазорлардан 2200 тонна хашак тайёрладик. 405 гектар бурдойнинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олдик. Сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш соҳасидаги режаларимиз ҳам бажарилди. Энди пахта йиғим-теримини бошлаб юбориш арафасида турибмиз. Республика Вазирлар Маҳкамасининг пахта харид нархини ошириш тўғрисидаги қарори айни муддао бўлди. Чунки, деҳқонларимиз ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териб олишни мўлжаллашмоқда. 12 та янги машина олганмиз.Куни кеча бу машиналарнинг ҳаммаси ишга тушди.

— Ҳозирги шароитда сизларда ҳам ортиқча ишчи кучи пайдо бўлиши табиий. Қўшимча иш жойлари ташкил этиш учун нималар қилинаётир?

— Кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этишга биз бир неча йиллар муқаддам киришганмиз. Бирлашмамиз тасарруфида 32 ишчи ўринли тўқувчилик цехи бор. Ҳозир кенгайтирилиб, ишчилар сони 60 нафарга етказиляпти. Бундан ташқари, гилам цехи, бўёқ тайёрлайдиган, оҳак ишлаб чиқарадиган, шиша буюмлари цехлари ишлаб турибди. Келгуси ойда йилига 3 миллион шартли банка мева-сабзавот консервалари тайёрлайдиган заводни ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Бу ҳам 180 кишини иш билан таъминлаш имконини беради. 1200 та қорамол боқилаётган чорвачилик фермаси акционерлик жамиятига айлантирилди. Ҳудудимизда 8 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. 5 таси мустақил, 3 таси бирлашма тасарруфида. Ем-хашакдан ёрдам берамиз, улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга кўмаклашяпти. Бу йил ҳам 40 тонна гўшт, 80 тонна сут беришларини кутаяпмиз. Аҳолига 160 гектар суғориладиган ер томорқа учун ажратиб берилган, бу ҳам оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишда яхши ёрдам бераётир.

Ҳозир биз асосий эътиборни халқнинг иқтисодий ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлашга қаратмоқдамиз. Чунки ишонч — келажакнинг асосидир.

Суҳбатни Бахтиёр РИЗАЕВ уюштирди.

Узбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши аъзоси Эргаш Турсунқулов Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа ширкат хўжалигига раҳбар бўлиб келгач, ишни қишлоқда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдан бошлади. Хўжалик бош қўрғони — Қамаши жуда катта, қадимий қишлоқ, 12 минг нафар аҳоли яшайди. Аммо, вақтинчалик меҳнатга жалб қилинмаган одамлар ҳам бор. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги тармоғидан ташқари яна фойда келадиган соҳаларни излаш, тадбиркорлик кўрсатиш керак бўлади. Хўжалик раҳбари шундай хулосага келди.

Кенгаш раисининг сайъи-ҳаракати билан қишлоқда биринчи бўлиб ғишт заводи ишга тушди. Унинг жиҳозлари Венгриядан олиб келтирилди. Кунига 80 минг дона ғишт ишлаб чиқариляпти. Бу тўртта беш хонали уй деган гап. Унда 63 нафар киши меҳнат қилмоқда.

БЕКОРЧИ ОДАМ ҚОЛМАЙДИ

Ғишт заводининг ишга тушганлигидан қишлоқ одамлари хурсанд, ахир жамоа ширкат хўжалиги томонидан 513 кишига томорқа берилган. Қурилиш материали палон пул. Ҳамманинг ҳам киссаси кўтаролмайди. Уй қурадиганлар учун ғишт сотиб олиш ҳам арзон, ҳам қулай. Бир йилда 24 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган мазкур корхона уч ойда хўжаликка 72 миллион сўм даромад келтириши мўлжалланмоқда.

Қамашиликлар учун гиламдўзлик касби ота-боболардан қолган. Бу ерда тайёрланган араби гиламларнинг азал-азалдан бозори чаққон эди. Эндиликда бу касб ўз довруғини тиклаяпти.

— Яна бир хайрли ишга қўл ураяпмиз,— дейди жамоа ширкат хўжалиги кенгаши раиси, вилоят кенгаши депутати Эргаш Турсунқулов.— Йилига 8 минг тонна пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган комбинат қурмоқчимиз. Хорижий фирмалар ҳамкорлигида бунёд этиладиган корхонанинг 70 фоиз жиҳозлари, яъни 114 миллион сўмлик ускуналар келтирилди. Бу қўшма корхона келгусида 300 нафар кишини иш билан таъминлайди. Шунингдек, асаларичилик, балиқчиликни ҳам йўлга қўямиз. Қишлоқда иқтисодий ислоҳот тадбирларини амалга ошира бориб, ишни саноат негизида ташкил этамиз. Хуллас, бизда бекорчи одам қолмайди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИРКАТ ДЕГАНИ МАЪҚУЛГА ЎХШАЙДИ

НАРПАЙ ТУМАНИДА ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ ВА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ АКЦИОНЕРЛИК-ҲИССА ДОРЛИК ШИРКАТЛАРИГА АЙЛАНМОҚДА

Очил бобо 40 йил колхозда ишлаган. 80 ёшида ҳам экинларга урнаб қўяди. Бироқ...

— Бу, колхўз дегани деҳқоннинг қўлидан кетмонни об қўйди, болам, — дейди отахон. — Аслида колхўзда кўпчилик бўлиб етиштириш керак. Биз эса бир амаллаб топилган нарсани кўпчилик бўлиб талашга тушиб кетдик, Ўзингники бўлмаганидан кейин талон-торож қилаверасан-да!

Бу фикрни туман ҳокими Нормамат Тошматов ҳам инкор этмайди.

— Тўғри, етиштирилган ҳосилнинг 30 фоизи талон-торож, 10—15 фоизи эса нобуд бўларди. Биз бундай аҳволдан чиқишнинг йўли ширкатларга ўтиш деб билдик. Жамоа хўжаликларининг кўпгина раҳбарлари бу тадбирни хушламадилар. Чунки ширкат шароитида хўжалик мулки ҳисобидан бировга мурувват кўрсатиб бўлмайди.

Тумандаги 16 та чорвачилик фермаси ўрнида «Истиқбол», «Умид», «Қўрғонобод», «Чорвадор», «Зирабулоқ» каби акционерлик жамоалари пайдо бўлди. Айтгандай, уларга ишбилармон мутахассислар раҳбар этиб қўйилди. Ҳозир молхоналарда ғарам-ғарам беда жамғарилган. Чунки акционерлик жамоа аъзолари ўз мулкларини — етиштирилган беда ҳосилини илгариги каби дуч келганга пуллаб юборишмайди. Сигирлар маҳсулдорлиги ҳам кундан кунга ошиб бораётир.

Келгусида ғалла-пахта алмашлаб экиш усули қўлланилади. Демак, жамоа бедазорга ўзлари хўжайинлик қилишади. Натижада ғалла етиштириш икки йилда уч баравар ошади.

Ерга бундай муносабат бу ерда жамоа ва давлат хўжаликларини ҳам ҳиссадорлик-акционерлик ширкатларига айлантиришга имкон берди. Бу тажриба икки йилдан бери Бобур номли ва Ислом шоир номли хўжаликларда синаб кўрилди. Шу боис йил охиригача 15 та хўжаликнинг барчаси ана шу тизимга ўтишга қарор қилдилар.

— Ширкатда ишлаб чиқариш муносабатлари бошқача бўлди, — дейди Бобур номли ширкатлар бирлашмаси ранси Салим Ҳабибов. — Авваламбор, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб қаерга нима экишни ўзимиз белгиламиз. Етиштирилган ҳосил шу ернинг ўзида ҳеч бўлмаса бир марта қайта ишланиши керак. Бунинг учун ихчам пахта заводи, ип йигириш, гилам тўқиш, кийим-кечак тикиш цехлари қурамиз. Яқинда бир суткада 7 тонна сутни қайта ишлайдиган заводни ишга туширамиз.

Жамоа хўжалигига тегишли бўлган мол-мулк еттита чорвачилик, ўн учта деҳқончилик ширкатларига бўлиб берилди. Бирлашмага уюшган бу ширкатлар эса энди фақат хом ашё етиштирмасдан, уни қайта ишлаш билан ҳам шуғулланишади.

Тумандан кетиш олдидан яна Очил бобога учрашдик.

— Болам, тағин бу бобой қолоқ экан, деб ўйлама. Лекин ер деҳқоннинг меҳри билан саховатли. Одамларнинг шу кечаю кундузда берилиб ишлаганига қараганда ширкат дегани маъқулга ўхшайди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ҲОСИЛ—93*

ПЕШҚАДАМЛАР

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Бу йилги об-ҳаво нинг ноқулай келишига, икки-уч марта қайта экишлар бўлишига қарамасдан пахта, шоли ва бошқа экинлардан ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Республикада машина теримига кенг йўл очиб берилди. Шу кеча-кундузда ҳар бир машинада терилаётган пахта 3,2-3,5 тоннадан тўғри келмоқда. Эрта-индин пахта териш машиналарининг сони яна 80 тага кўпаяди.

Механизаторлар, теримчилар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта теришга интилмоқдалар. Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари, шоликорлари бу йил режадаги 314 минг тонна пахта, 215 минг тоннадан кўпроқ шоли тайёрлайдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Қизилтепа туманидаги «Зарбдор» давлат хўжалиги пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб зафар маррасига етдилар. Чўлқуварлар ўл хирмонига 950 тонна пахта армуғон этишиб, ҳосилдорликни ўртача 25 центнерга етказдилар.

Эришилган ғалабага А. Усмонов, М. Тешаев етакчилик қилаётган бригадалар заршуносларнинг муносиб ҳисса қўшишди. Хўжалик далаларида ҳали ҳосил мўл. Ўз имкониятларини қайта чамалаб чиққан зарбдорликлар ялпи пахта хирмонини 1500 тоннага етказиш ниятидалар. Шунингдек, тумандаги «Ўртачўл юлдузи», Латиф Аҳмедов номли жамоа хўжаликлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариш арафасида.

Музаффар ШАРОПОВ.

Бухоро вилоятидаги Жондор туманининг Тошқул Ҳотамов номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли бу йилги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Хўжаликнинг Акром Ботиров бошлиқ бригадаси заршунослари вилоятда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди.

СУРАТДА: 1. Бригада бошлиғи Акром Ботиров. 2. Далада машина терими қизғин.

Ҳайдарали ҚУРБОНОВ тасвири.

Ислом КАРИМОВ:

СУД ҲОКИМИЯТИ ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА, У ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИНИ, БАРЧА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШИ ЛОЗИМ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МАНА ШУ ОМИЛЛАРНИНГ ҲАММАСИ — ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ ТАРТИБОТНИНГ, ҚАТТИҚ ИНТИЗОМНИНГ, ИЧКИ УЮШҚОҚЛИК ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ НЕГИЗИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сари!

ҚОНУН НОМИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ОЛИЙ СУДИ, РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАХСУС САҲИФАСИ

МАСЪУЛЛИК

Мустақил жумҳуриятимизда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёни жамиятимизда инсон ҳуқуқлари ва адолатли қонунлар устиворлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта. Тўғри жамиятимизнинг ҳали оғриқ нуқталари кўп. Уни биргаликда даволамоқ ҳам фарздир. Матбуотда айтиладиган ошкора сўз худди тоза сув, мусаффо ҳаводек ҳуқуқшуносга ҳам, деҳқонга ҳам, олиму раҳбарга ҳам бирдек зарур. Жумҳуриятимиз меҳнат аҳлини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш, иқтисодий тақчиллиқдан тезроқ чиқиб кетиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш борасида республикамиз Президенти ва ҳукумати амалга ошираётган ишлар аниқ ва равшан.

Бироқ, ҳозирги мураккаб шароитдан фойдаланиб ўз манфаатлари йўлида ҳаром-ҳариш ва ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадида уюшаётган жиноий гуруҳлар жамиятимиз осойишталигига ва иқтисодий ривожига жиддий таъсир этмоқда. Афсуски, ўзларини «ишбилармон» кўрсатиб қариялар, болалар, ногирон ва етим-есирлар рисқи-насибасига чанг солаётган кимсалар, олғир чайқовчилар сони ортиб бораётир. Бу ҳам етмагандек босқинчилик, ўғрилик, талончилик ва йўлтўсарлик мақсадларидаги жиноятлар камаймаяпти.

Умуман олганда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари жон куйдириб ишлашмоқда. Уларнинг самарали ва машаққатли ишлари эса тегишлича ёритилмаётир. Эҳтимол бунга мавжуд матбуот органларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишидан бохабар, юридик маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг камлиги ёки йўқлиги сабабдир. Сир эмас, кўпчилик ҳуқуқ ҳимоячилари оммавий ахборот воситаларидаги ўз чиқишларида жумҳуриятимизда алоҳида «ҳуқуқ матбуоти»ни ташкил этиш муаммосини кўтаришмоқда. Аммо ҳозирги иқтисодий танглик, нашриёт ва алоқа хизматлари, ҳамда қоғоз ва бўёқ маҳсулотларининг ҳаддан ташқари қимматлашиб кетганлиги сабабли бунинг иложи топилмаётир.

Ана шундай қийин шароитда рўзномамиз жамоаси республика Адлия Вазирлиги, Олий суди, Прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ органлари билан ҳамкорликда «ҚОНУН НОМИ БИЛАН» саҳифасини ташкил этди. Унинг келгуси сонларида ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидаги ютуқ ва нуқсонларга алоҳида эътибор қаратилади. Прокуратура, шунингдек, ҳарбий ва транспорт прокуратуралари органларида олиб борилаётган ибратли ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам саҳифамиздан ўрин олиши шубҳасиз.

Айниқса, Транспорт ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Давлат божхона ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига кенгроқ ўрин берилади. Улар ноқонуний йўллар билан республикамиз ташқарасига олиб чиқиб кетилаётган миллион-миллион сўмлик моддий бойликларни ушлаб қолишаётир. Бироқ гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ҳам қонунбузар ва жиноятчи тўдаларга «сотилиб» кетаётган қўли эгрилар, нафси бузуқлар йўқ эмас.

Саҳифамизда сизларни Республика прокуратураси, Адлия вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматининг вилоятлардаги бошқармалари, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмиталари раҳбарларининг чиқишларида кадрлар масаласига, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишлар билан таништириш истагидамиз.

Суд, хўжалик судлари, суд медицина экспертизаси ходимлари ҳар бир ҳолатга, ҳар бир жиноятга баҳо беришда том-томлаб фуқаролик ва жиноий ишларни таҳлил қилишда сабр-матонат билан ишлаётганини, адолатни қарор топтираётганини биламиз. Бироқ айрим ишларни кўриб чиқиш ва унинг ечимини топиш ойлаб, баъзан йиллаб чўзилиб кетаётганлиги сабабли норозилик хатлари кўпаймоқда. Хўжалик, ташкилот, ҳокимият ва ижро органларидаги раҳбарликнинг бўшашиб кетганлиги оқибатида нўноқлик ва қонунбузарлик ҳолатлари келиб чиқаётир. Айниқса, ҳокимиятларда одамларга ер, томорқа ва уй-жой тақсимлашда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар шулар жумласидандир.

Почтамизга келаётган мактубларда ёзилишича, ўғирланган мулк, автомашина ва чорва моллари хусусий тижорат дўконлари, катта-кичик бозорлар атрофида ташкил этилган чайқовчилик бозорлари, хусусий автосервис ва кооператив ошхоналар, гўшт дўконлари орқали «ҳал» этилаётганлиги кишида ташвиш уйғотади. Ўғирлик, талончилик, йўлтўсарлик ва босқинчилик жиноятларининг тўла очилмай қолаётганига ҳам асосан шулар сабабчи эмасми?

Аслида юқорида санаб ўтилган ташкилотлар юртимиз ободлигига, дастурхонимиз тўкинлигига хизмат қилмоғи лозим. Бундай маданий-маиший хизмат корхоналари кўплиги кўзни қувонтирса, уларда хизмат савиясининг пастлиги, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш авж олганлиги, айниқса хизмат кўрсатаётганларнинг кўпчилиги чаласавод ёки мутахассислиги бўлмаган шахслар эканлиги ачинарлидир.

Бозорларда нон, сомса, хасип ва бошқа миллий таомлар тайёрлаб сотаётганларнинг кўпчилиги медицина кўригидан ўтмаганлиги, хизмат қилиш мутлақо санитария-гигиена талаблари даражасида эмаслиги ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. Уларга эса инсонларнинг саломатлиги эмас, пул топиш бўлса бас. Афтидан санэпидстанция ходимларини уйқудан уйғотиш вақти келди.

Бозорларда озиқ-овқат, мева-сабзовот, кийим-кечакдан ташқари, дори-дармон, медицина асбоб ускуналари, ҳатто пул олиб, пул сотиш ишлари ҳам авжига чиқмоқда. Минг афсуски, дорихоналар ўғри урган уйдек шип-шийдам. Аммо бозор, кўча-кўйларда дорифурушлик қилаётган кимсалардан истаган дорини топиш мумкин. Хўш, уларнинг хусусий фармацевтика корхонаси ёки таъминотчи базаси борми? Бу саволга Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, тергов, прокуратура ва суд идоралари жавоб топадилар, деб умид қиламиз.

Хуллас, ишлар кўп. Аммо саҳифамизнинг қизиқарли, ўқишли ва айниқса юридик саводли қилиб чиқаришга Сиз ҳуқуқшунослар, олимлар, журналистлар ва муштарийлар алоҳида ҳисса қўшасиз, деган умиддамиз.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлимининг катта мухбири.

Мен истиқлол фарзанди,
Соғлом авлод — боламан.
Улғайиб, онам каби
Ҳуқуқшунос бўламан.

ЖАРИМА СОЛИНДИ

Ширин шаҳридаги божхона пости ходимлари Ленинобод вилоятининг Фрунзе номидаги жамоа хўжалигига қарашли Я. Норбоев бошқариб бораётган тележкали тракторни тўхтатди. Текшириш чоғида унда ленинободлик С. Каримов, А. Расулов, А. Каримовга тегишли салкам 3 тонна асал борлиги аниқланди. Улар маҳсулотни Жиззах вилоятининг И. Тоиров номидаги давлат хўжалигида жойлашган шахсий асаларичилардан олиб кетишаётганини айтишди. Аммо ёлғоннинг миси чиқди.

Жами 4 миллион 360 минг сўмликдан кўпроқ асал мусодара қилинди. Айбдорларнинг ҳар бирига 22 минг 500 сўмдан жарима солинди.

КЎЗА СИНДИ

Риштон ички ишлар бўлими ходимлари фуқароларга дори пуллаш билан бойлик орттирмоқчи бўлган «ишбилармон»ни қўлга олди. Тумандаги тўда қишлоғида яшовчи Муҳаммаджон Робилов Муҳаммад Сидиқов деган кимсага ўта камёб икки шиша «Гемодез»ни 2,5 минг сўмга пуллаётганида тумшуғидан илинди. Текшириш вақтида Робиловнинг уйида кўп дори-дармон сақланаётгани аниқланди. Бугина эмас, унинг уйидан 119 жуфт калиш ҳам топилди.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Энди Муҳаммаджон Робилов қилмишига яраша жавоб беради.

(ЎзА).

ХАЗОН БЎЛГАН УМР

Шундай кимсалар бўладики, бировнинг тақдири унга писта пўчоғидай гап. ВАЗ—2109 давлат белгиси Д 60—00 КФ енгил автомашина ҳайдовчиси Х. Жумаев ана шундай шахслардан экан. У ўзининг бошқарувидаги автомашина билан Муборак тумани ДАН постида хизмат вазифасини ўтаётган туман ички ишлар бўлими давлат автомобиль назорати ходими, милиция сержанти М. Бектоевни уриб кетди. Кўрсатилган барча тиббий ёрдам натижа бермади. М. Бектоев шифохонада вафот этди.

Қоидабузар ҳайдовчи Х. Жумаев навқирон милиция ходимининг бевақт умрини хазон қилди. Босар-тусарини билмай қолган бундай кимсалар жазосини олиб, қаҳрғазабга маҳкумдирлар.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси Матбуот гуруҳининг катта нозири, ички хизмат катта лейтенанти.

«Москва—Бухоро» йўналишида қатновчи 691-рейсдаги ҳаво кемасида Бухорога келган йигит тайёрагоҳдаги божхона ходимларининг кўригидан эсон-омон ўтиб олишига шубҳа қилмасди. Чунки унинг жомадону тўрвахалталарида сафарга чиққанда фойдаланадиган бир сидра кийим-кечак, кундалик эҳтиёж учун ишлатиладиган устара, совун, атир ва сочиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Буюмларингизни кўрикдан ўтказдик. Ҳаммаси жойида. Энди, илтимос, белингизга сириб боғланган тугунчани ҳам кўриб қўйсак.

СИРЛИ БЕЛБОҒ

Божхона ходимининг мулозамат ила қилган таклифи москвалик йигитнинг капалагини учирди, аммо ранги оқарса-да, сир бой бермасликка интилди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? Нима кўринишимдан қуролланган бандитга ўхшайманми, қуролим бўлганида, мени Москвада тайёрага ўтказишармиди? Устингиздан шикоят қиламан, мени тинтув қилишга ҳаққингиз йўқ!

Шаллақилик иш бермади. Божхона ходимлари унинг белига боғланган махсус белбоғдан ўн миллион тўққиз юз минг сўм пул топди.

Божхоначилар миллионер йигитнинг шахсини аниқлади. П. Блохин Москвадаги Геология институтининг иккинчи босқич талабаси экан. У Россияда аллақачон муомаладан чиққан пулни Бухорода ишлатиб энг ноёб буюмларни юртига олиб кетишни ихтиёр этганини тан олди. Москвалик талабанинг миллионлари давлат ҳисобига мусодара қилинди.

— Афсуски, бу ягона ҳол эмас, — дейди Бухоро вилояти давлат божхонаси бошқармаси бошлиғи Ражаббой Бобоқулов, — москвалик яна икки фуқаро — «Геоссофт» қўшма корхонаси ҳайдовчиси И. Киселёв, «Эл-дорадо» кичик корхонаси бошлиғи муовини Д. Воловин қарийб 25 миллион сўм билан божхонамизда қўлга олинди.

Ўтган ойнинг ўзидаёқ 14 маротаба Бухоро вилоятига ғайриқонуний йўл билан кўплаб миқдорда пул олиб киришга уриниш бўлди. Мусодара қилинган пул эса 40 миллион сўмдан ошиб кетди.

Илҳом САФАР.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОТИБ ҚОЧМОҚЧИ БЎЛДИ

1993 йилнинг 14 августи кеч соат 22 ларда Тошкент тумани «Ўзбекистон Республикаси 50 йиллиги» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи, 3 нафар фарзандининг отаси Юнусжон Қуроловни номаълум шахс кўпқ да отиб кетган. Ушбу ҳолат бўйича Тошкент тумани прокуратураси Ўз. РЖКнинг 81-моддаси билан жиноят иши қўзғатди. Олиб борилган самарали тезкор-тергов ҳаракатлари натижасида жиноятни содир этган, яшаш жойининг тайини йўқ, муқаддам бир неча бор судланган Турғун Мансуров ушланди. Туман прокуратураси ва ИИБ ходимлари жиноятчини 24 соатда ушлабгина қолмай, балки унинг 16 калибрли «ов» милтиғини ҳам «Хонариқ» канали остидан топишди.

ХОНАДОШ ҚОТИЛ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман прокуратураси 1993 йил 19 августи соат 04 ларда шу туманининг Сағбон кўчаси 1-б уй 9-хонасида Герман Николаевич Хан пичоқ уриб ўлдирилганлиги факти бўйича иш қўзғатди. Шу жиноят юзасидан қотиллик содир этилган уйда яшаган Владимир Антоний Фрачакос гумондор тариқасида қамоққа олинди. Ҳозир у Ўз. Р. ЖКнинг 81моддаси билан қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов бермоқда.

М. ТОШТЕМИРОВ,
бўлим прокурори.

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАР КАСБНИ ҚИЛМА ҲАВАС

И. Шпановнинг касби муҳандислик. Тошкентдек шаҳри азимда «Прогресс» деб аталмиш, жавобгарлиги чекланган жамиятда ишини биноийдек эплаб юрганди.

Яқинда у касбини алмаштириб кўрди. Умумий баҳоси 600 минг сўмлик «Астра» сигаретасини чайқов баҳосида пуллади. Лекин зум ўтмай қўлга тушиб қолди. Чайқовчилик касбини орзу қилиб, орзуси ушалмаган И. Шпановнинг «Астра»дан қандай қилиб бир миллион бир юз минг сўм фойда кўрмоқчи бўлгани юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ЭСИЗ, АРЗОН СОТГАНДИ-Я...

К. Соипов Жиззах вилояти, Бўстон шаҳридаги ишчилар таъминотига қарашли корхона омборига мудирлик қилади. Мудирлигидан фойдаланиб омборхонадаги гўштдан кўп эмас, бор-йўғи 10 килосини атиги 6000 сўмга (бозор баҳосидан анча арзон) сотганида...

Давлат ҳисобига хотамтойлик қилган омбор мудирининг уйи текширилганда 1 миллион сўмликдан ортиқ арақ очиқ савдодан яшириб қўйилгани маълум бўлди.

Қолган гаплар, «инсофли» сотувчи-мудирнинг омборхонасида тафтиш ишлари тугагандан сўнг маълум бўлади.

БОЙВАЧЧА ЧЎПОН

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Олға» давлат хўжалигининг бош чўпони Э. Содиқов 3 миллион 240 минг сўмлик 81 бош қўйни ўзлаштиргани аниқланди.

Текширув ишлари олиб борилмоқда.

БЕШ МИЛЛИОНЛИК ЙИГИТ

Андижон вилояти Шаҳрихон туманида яшовчи, 1967 йилда туғилган М. Ғаниев ички ишлар бўлимига мурожаат қилиб, қандайдир номаълум шахс унинг 1970 йилда туғилган укаси Абдураҳимни гаровга олиб, уни озод қилиш учун 5 миллион сўм пул талаб қилганини айтди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган 21 ёшли С. Тожибоев қўлга олинди. Бу иш юзасидан район ички ишлар бўлими тергов бошлади.

Ш. РЎЗИЕВ,
Вазирлик матбуот маркази ходими.

ТАЛОНЧИ «ИЗҚУВАР»

Қарши давлат дорилфунунининг физика факультети лаборанти Холдор Э. таъмагирликка қўл урди. У Қарши шаҳридаги Эски бозорда деҳқон С. Йўлдошевга дўқ уриб, ундан 30 минг сўм таъма қилди. Ҳеч тап тортмай ўзини жиноят қидирув вакилиман, деб таништирди. Деҳқон ҳам анойи эмас экан. Аввалига қўл қовуштириб ўтирди, сўнг талаб қилинган пулни олиб келиш учун уйига эмас, балки Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига йўл олди. Жиноят қидирув вакилларининг тезкор ҳаракати туфайли «изқувар» қўлга олинди. Ашёвий далил сифатида ундан 30 минг сўм пул ва штатсиз мавзе назоратчиси деган гувоҳнома ҳам тортиб олинди. Айни пайтда суриштириш ишлари олиб бориляпти.

ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

Шаҳрисабз тумани матлубот жамиятига қарашли 55-савдо дўкони сотувчиси Муҳаббат Диёрова савдо ходими деган номга доғ туширди. У харидорларга ҳалол хизмат кўрсатиш ўрнига нафс балосига учраб, маҳсулотни икки бараварига қиммат сотишга уринди. Ҳеч иккиланмасдан харидор Янгибоевга ўн килограмм қандолат маҳсулотини 7200 сўмга сотиб, унинг ҳақидан 550 сўм ошиқча уриб қолди. Бу пул кимгадир арзимас кўрингани билан ҳеч ким ҳақини кўчага ташлаб кетмайди. Ахир, бир тийин бўлсин, пешона теринг эвазига келган пул ҳалолда. Хиёнат эса кечирилмайди.



ШОХИДА ЮРМОҚЧИ ЭДИ

Гиёҳвачи ва нашафурушлар шайтонга дарс бериб, шохида юрмоқчи бўлишадию, эплашолмай қўлга тушадилар. Бузоқнинг югургани, деганларидек, улар қамоқхоналарга йўл олишади. Шохида юрса, баргида юрадиган ҳуқуқ посбонлари борки, нашафурушларнинг манаман деганини ҳам қонун олдида лол, терговда мулзам қиладилар.

Транспорт ички ишлар бошқармасининг Қўқон станцияси ходимлари тадбиркорлиги билан шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида нашафурушлик билан боғлиқ бўлган 60 дан ортиқ жиноий иш қўзғатилди. Шундан 40 га яқин жиноят иши судга оширилди. 100 килограммдан кўпроқ наркотик модда қўлга туширилди.

Ушбу суратда (чапдан ўнгга) Қўқон станцияси тармоқ ИИБ тергговчиси, милиция лейтенанти Валижон Бегматов, бўлим бошлиғи муовини, милиция майори Аҳмаджон Ҳамдамов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция майори Одилжон Худойназаровлар олтинариқлик фуқарони 8 килою 400 грамм наркотик модда билан қўлга туширган пайт акс эттирилган.

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

Қора курсида беш нафар судланувчи ўтирибди. Уларнинг энг «кекса»си 41, кичиги 24 ёшда. Маҳаммаджон Зоҳидов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси 2-банди билан, Зайнобиддин Мадраҳимов, Муяссар Зоҳидова (М. Зоҳидовнинг синглиси), Баёнбек Пўлатов шу кодекснинг 132-моддаси «В» банди билан ва Тоҳир Мамадалиев 169-моддаси 2-банди билан айбланадилар.

Улар аслида ким эдилар? М. Зоҳидов Асака шаҳрида туғилган. Лекин вояга етгач, ҳалол меҳнатдан қочиб ўғирлик йўлига кириб кетди. 1977 йилда 3 йил, 1981 йилда 2 йил, 1983 йилда 6 йил, 1989 йилда 4 йил қамоқ жазосини ўтаб қайтган «моҳир» ўғрилардан. З. Мадраҳимов Марҳамат туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигида боғбон эди. М. Зоҳидова ва Б. Пўлатов ҳеч қаерда ишламаган. Т. Мамадалиев эса Асаканинг жамоа хўжалиги ҳудудидаги енгил автомобилларни тузатиш устахонасида уста бўлиб ишлаган.

Энди улар содир этган жиноят ҳақида: М. Зоҳидов жазони ўтаб келгач, бирор жойда ишлагиси келмади, текин пул топиш ва шоҳона яшашга орзуманд бўлади. Мақсади йўлида синглиси Муяссар Зоҳидова ва Зайнобиддин Мадраҳимов билан ўзаро тил бириктирди. Мўмай пул топиш дардида машина ўғирлаб, сотиш режасини тузди. Шундай қилиб, улар 1993 йил 27 январь куни автобусда Марғилон шаҳрига келишди.

Аввалдан келишиб олинганидек, машина тўхтатиш манзилга етиб олгунча қанча пул тўлаш масаласини ҳал этиш М. Зоҳидова зиммасида эди. Кўп ўтмай Муяссар Фарғона тарафдан келаётган «Жигули»ни тўхтатиб, ҳайдовчидан Комсомолободга олиб бориб қўйишни сўради.

Рози-ризоликдан сўнг машина Марғилон — Ёзёвон йўлидан елдек учиб кетди. Комсомолобод туманидаги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмаси ҳудудига келишганда М. Зоҳидова ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюрди. Неъматжон Ашуров тушунолмай, йўл четига чиқиб тормозни босди. Олдинги ўриндиқда М. Зоҳидова, ҳайдовчининг орқасида М. Зоҳидов. Унинг ёнида З. Мадраҳимов ўтиришганди. Пайтдан фойдаланиб М. Зоҳидов ёнидаги пичоғини чиқариб ҳайдовчининг бўйнига тиради, жиноятчиларнинг бири унинг юзига ҳушсизлантирувчи газ сепди. М. Зоҳидов эса дарҳол рулга ўтириб, Сариқсув қишлоғи томон йўл олди. «Улуғнор» ширкатлар уюшмасининг 2-бўлими 3-бригадаси ҳудудига етиб борганларида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Жиноятчилар ҳайдовчининг тинтишиб, унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси, огоҳлантириш талони, машинанинг техник паспорти ҳамда 3000 сўм пулини олишиб, Н. Ашуровни шу ерда зўрлик билан тушириб қолдиришди. Кетиш олдидан унга «Милициягa борсанг машинангни топиб беради» деб пичинг қилишди. Машина Асака томон ҳайдаб кетилди. Бироқ манзилга етмай, Абжувоз қишлоғида бузилиб қолди. Муяссарни автобусга чиқариб юборишиб, М. Зоҳидов билан З. Мадраҳимов эски таниши Б. Пўлатов уйига келадилар. Унга «машинани ўғирлаб келдик, йўлда бузилиб қолди» дейишди.

Учаласи машинани тузатиб, Б. Пўлатовнинг Асака шаҳар, Кислородная кўчасидаги танишининг уйига келтириб қўйишади. Баёнбек Пўлатов харидор ахтариб, таниши Тоҳир Мамадалиевга дуч келади. Машина 200 минг сўмга баҳоланади. Пулни нақд санаб олган Б. Пўлатов машина камчиликлари борлигини, эҳтиёт қисмлари етишмаслигини айтади. Иш чўзилишидан шубҳаланган Т. Мамадалиев машина ўғирлик эканини билиб қолиб, қаттиқ пушаймон бўлади. Бироқ сомонхонага ўт кетган эди.

Жаннатни орзу қилган бу жиноий гуруҳ дўзахга рўбарў келгач, турли мақом қилиб, ўзларини оқламоққа уриндилар. Аммо, улар рад этиб бўлмас далиллар олдида таслим бўлишдан бошқа илож топмадилар.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм ўқилди: М. Зоҳидов 12 йилга, З. Мадраҳимов 8 йил, М. Зоҳидова 7 йил, Б. Пўлатов эса 4 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Жиноятга тасодиф қўшилиб қолган Т. Мамадалиев ҳам қилмишига яраша жазосини олди.

Жабрланувчи Н. Ашуровга ўз машинаси қайтариб берилди.

Шундай қилиб, жиноий гуруҳ жазо муддатини ўташ учун жойларга жўнатилди. Аммо маҳкумларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, ёру-дўстлари, хотин, бола-чақалари бош эгиб қолишди. Аммо, наилож... Қилмиш қидирмишда.

А. МАМАТҚУЛОВ,
«Комсомолобод» тумани халқ суди раиси.

И. АКРАМОВ,
«Комсомолобод тонги» газетаси мухбири.

ТАВБАНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

(СУД ЗАЛИДАН)

• БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

БУХОРОНИНГ СЎНГГИ АМИРИ

ЁКИ САИД ОЛИМХОННИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ТАҚДИРИ ҲАМДА УНИНГ ХАЛҚ НОМИГА ҚОЛДИРГАН МЕРОСИ ҲАҚИДА

Она-Ватанимиз тарихининг биз билган ва билмаган, ҳали ўқилмаган саҳифалари кўп. Яқинда оммавий ахборот воситаларида Бухоронинг собиқ Амири Саид Музаффар Олимхоннинг ўғиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига диёримиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан ёзилган табрикномани ўқидингиз. Қуйида эълон қилинаётган суҳбатда Бухоро амири хонадонига яқин қариндош бўлиб чиққан таниқли ҳуқуқшунос Файзулла Қиличевнинг ишончли манбаларга асосланган қизиқарли фикр-мулоҳазаларини ўқийсиз.

Файзулла Қиличев — Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Ўнлаб китоб ва рисолалар, кўплаб публицистик мақолалар муаллифи.

— **Файзулла ака, республикамиз оммавий ахборот воситаларида мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрами арафасида мамлакатимиз Президенти номига Бухоронинг собиқ амири Саид Олимхон фарзандларининг табрик хати эълон қилинди. Бироз вақт ўтгач, матбуотда юртбошимизнинг жавоб хатлари босилди. Албатта, бу қадриятларимиз қайтаётганлигидан яна бир бор далолат. Эшитганимизча, Сизнинг шу хонадонга яқинлигингиз бор экан. Яқинда Саудия Арабистонида, Туркияда улар ёнида бўлиб қайтибсиз. Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мен яқин вақтларга қадар Бухоро амири Саид Олимхон хонадонига яқинлигимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдим. Марҳум дадамиз Қиличхон Раҳимов номи билан Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида яшаб ўтганлар. Бизни ёшлигимизда қизиқтирган нарса фақат шу ўлардики, «Дада, нега бизнинг амаки, хола, аммаларимиз йўқ, биз қайси авлоддан-миз ўзи, нега сиз ёлғизсиз?» деб сўрар эдик. Дадам ўз ўтмишлари ҳақида сўзлашни ҳеч хуш кўрмасдилар. Қишлоғимизда, мактабда инглиз, француз ва рус тилидан дарс берадиган муаллимларимиз бўларди. Айрим пайтларда дадамизнинг улар билан ўша тилларда равон сўзлашгани қулоғимизга чалиниб қоларди. Шу боис дадамиздан: «Бу тилларни қачон ўрганганисиз?» деб қизиқсиниб сўраган вақтларимиз кўп бўлган. «Ўқинглар, билиб оласизлар», деб дадам ҳамиша қисқа жавоб қилардилар. Онда-сонда айрим кишилардан дадамизнинг юқори мартабали хонадон фарзанди бўлганлигини айтишганлигини эласэлас хотирлаймиз. Аммо ким, нима, қаердан, ҳеч нарса билмасдик. Аслида дадамиз бизни болалик қилиб оғиздан гуллаб қўйса, тузумдан, сиёсатдан жабр тортиб юрмасинлар, деб замона зайлида қўрқиб, ҳақиқатни яширган кўринардилар. Ўша давр сиёсати эса ўзингизга маълум. Биз 1966 йилда дадамиз автофалокат оқибатида фоний дунёни тарк этганларидан сўнг йил ўтгач қабрлари устига ёдгорлик тоши ўрнатиш ҳаракатида юрганимизда бир хабар эшитдик. Дадамизнинг асл исмлари Саид Мирраҳмон, оталарининг исми эса Саид Акрамхонтўра экан. Лекин бу одамнинг кимлиги ҳақида анча вақт ҳеч кимдан маълумот ололмадик. Йиллар ўтаверди. Улғайдик. Оллоҳга минг қатла шукрки, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди, эркини қўлга киритди. Қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизга қайта бошладик. Боболаримизнинг ким эканлиги ҳақида қулоққа чалинган гаплар асосида Саид Акрамхонтўра ким бўлганлигини сўраб хатлар тайёрладим. Хорижга чиқаётган кишилар ва Ватанимизга келаётган чет эллиларга хат бериб юборавердим. 1992 йил ноябрь ойининг ярим кечасида телефон жиринглаб қолди:

— Саид Файзуллахоннинг уйларими?

— Ҳа, ўзимман. Эшитаман.

— Сиз Саид Акрамхонтўранинг ўғли Қиличхоннинг фарзанди бўласизми?

— Худди шундай.

— Менинг исмим Саид Абдукабир. Бухоронинг собиқ амири Саид Олимхоннинг ўғиллари бўламан. Хотиним Шоҳқанди сизнинг аммангиз бўладилар. Бизга сиз юборган нома етиб келди. Хонадонимиз қарияларидан хўб суриштирдик ва маълум бўлдиким, амакимиз Саид Акрамхонтўранинг Саид Мирраҳмон исмли 10 яшар ўғиллари Ватанда қолиб кетган экан. Падарингизнинг кейинги тақдирини билмас эдик. У кишининг киндиклари падаримиз инъом этган қилич билан кесилиб, Қиличхон тахаллусини олганликларини кўпчилик эслашди»...

Мен хорижлик қариндошларимизнинг таклифи билан яқинда Туркияда, Саудия Арабистонида бўлиб қайтдим. Саид Олимхоннинг фарзандлари, кўплаб қариндош-уруғлари билан учрашиб узоқ изландим. Натижада тубандаги тафсилотлар аниқланди: бобомиз хонадони Бухоро ва Ғузор ҳудудини ташлаб, Шарқий Туркистон деб аталмиш ҳозирги Сурхондарё ва Тожикистон ҳудудига ўтадиган ягона йўл — Бойсун тоғлари даралари орқали кетишаётган бўлган. Карвон тинимсиз таъқиб этилиб, еру-осмондан ўқ ёғдириб турилган. Тўполонда карвон сафидан бир файтун йўқолган. Унда менинг отам Қиличхон — ҳали 10 яшар бола ҳамда унинг ҳомиладор онаси Тўтихонлар бўлишган. Карвон уларни йўқотиб қўйиб, излашга имкон тополмай, кетиб қолган. Маълумотларга кўра, файтунда бўлганларнинг барчаси ҳалок бўлган. Дадам бўйнида осиғлиқ, киндиги кесилган ўша қилич билан топиб олинган. Қилични олиб қўйишган. Дадамнинг ўзлари турли кишилар эшигида, етимхоналарда катта бўлган.

Ушбу қилични Файзулла Хўжаевга олиб бориб беришади. У Фрунзега совға қилади. Фрунзе эса кейинчалик қилични она шаҳри Иваново тўқимачиларига совға қилиб топширади. Ҳозирги пайтда эса бу қилич Санкт-Петербургдаги Эрмитажнинг залларидан бирини безаб турибди...

— **Файзулла ака, сиз айтаётган воқеалар жуда қизиқ. Худди саргузашт романлардагига ўхшаб кетади. Ҳозирга қадар кўпчилик Саид Олимхоннинг амирлик даври, унинг Бухоро аркини ташлаб чиқиб кетганидан кейинги ҳаёти ҳамда авлодлари ҳақида аниқ маълумотларга эга эмас. Турли гаплар юради. Кўриб турибман, қўлингизда жуда кўп тарихий ҳужжатлар, ёзишмалар, суратлар бор экан. Лозим бўлса, шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Аввало мавжуд ҳужжатлар ва далиллар асосида рўйрост айтишим мумкинки, бизгача етиб келган маълумотларнинг кўпи таг-замини йўқ, сохта уйдирмалар билан тўлдирилган гаплардир. Ёки бўлмаса мустабидликни касб қилиб олган тузумнинг халқимизга ўз ўтмишидан ҳазар қилиш руҳини сингдириш йўналишида юритган муғомбирона сиёсати мевасидир. Халқимиз ўз юртбошиларидан, даври сиёсатидан ғурурланмаслик, аксинча, ундан воз кечишга тайёрланган. Ўзбек халқи ўзга давлатлар хусусан, Русия ўтмишига, унинг подшолари сиёсатига сиғиниши, донолигига қойил қолиши, ўзиникиларни эса мутлақо унутиши, ҳатто улардан ҳазар қилиши керак бўлган. Шу сабабли ҳам юртбошиларимиз юритган доно сиёсатни, хайрли ишларни кўрмаганга, билмаганга олиш, камчилик ва хатолари, адашишларини эса бўрттириб кўрсатиш йўли танланган. Аввало тарихий ва ҳақиқий манбаларга бир назар ташласангиз бунга ишончингиз комил бўлади. Масалан, кунимиздаги буюк аллома Баҳовуддин Нақшбанднинг таваллуд тўйи арафасида эълон қилинган манбаларга кўра бизга жоҳил ва қонхўр сифатида таърифлаб келинган Амир Насруллонинг ҳар ҳафта жума куни Бухоро аркидан Нақшбанд қабригача пиёда бориб саждага қатнаганлиги, Амир Музаффарнинг Нақшбанд мақбараси атрофларини обод қилиб, у ерда мадраса, қудуқ ва ҳовуз, саждагоҳлар қурдирганлиги, Амир Абдулаҳадхон ҳамда Саид Олимхоннинг катта ободончилик ишларини амалга оширганлиги фикримиз далили эмасми? Ёки Амир Музаффар унга валиаҳд ўғил туғиб берган хотини Ситора оймга атаб шаҳар чеккасида Ситораи Моҳи хоса деб номланган кўшкли боғ барпо эттирганлиги-чи? Бу боғда Абдулаҳадхон каттакон бино барпо эттирган. Саид Олимхон эса катта ҳовуз ва чиройли болохонали уй ҳамда кўшк қурдирган. Бу жой бўғиларига аталганлиги боисидан амирлар хонадони учун муқаддас ҳисобланган. Қизлар 9 ёшдан, ўғиллар 12 ёшдан ошганлари бу жойга таҳоратсиз оёқ босишлари мумкин бўлмаган. Қариндошуруғлар вақти-вақти билан йиғилишиб шу ерда дам олишган. Авлод-аждодлари номига тиловатлар ўқишган. Оллоҳни ва пайғамбарни мадҳ этишган. Энг нозик туйғулар ҳақида суҳбатлар юритиш одат бўлган.

Бизга эса гўёки ҳовузга сув, ҳатто сут тўлдириб қизларни тўплаб яланғоч ҳолда чўмилтириш, ёқиб қолганига олма отиб, сўнг ҳаром-хариш ишлар билан шуғулланилган, деган уйдирмаларни онгимизга сингдиришга ҳам муваффақ бўлишди. Бизга Амир Саид Олимхонни ландовур, камфаҳм ва тўнг шахс сифатида тавсифлашган. Мен эса Амир Олимхон қўлларидан қўймай, ўқиб ёд олган Мирзо Абдулқодир Бедил китобини кўрдим. Унинг ичида амир ўз қўллари билан ёзган юзлаб шарҳларга кўзим тушди. Ўғилларининг айтишича, Саид Олимхон Бедил ғазалларини ёд билган эканлар. Унинг юзлаб шеърларини куйга солиб, ўзлари дутор чалиб куйлар эканлар. Энди айтингчи, бу нарса нималардан гувоҳлик беради? Жоиз бўлса, забардаст шоиримиз Ғафур Ғулом катта бир йиғинда Мирзо Бедил шеърларидан биттагинасининг маъзини чақиб олганликларини ғурурланиб, мақтаниб сўзлаган эканлар. Яна бир мисол. Бизга Туркистон, Ўзбекистон аҳли инқилобга қадар деярли саводсиз бўлган, деган тамға ёпиштирилган эди. Мен ҳужжатлар орасидан Бухоро амири Саид Олимхоннинг 1916 йилда имзолаган бир фармонига кўзим тушди. Унда Бухоро мадрасаларида таълим олаётган 65 минг нафар талабанинг кунлик харажатлари учун миқдор оширилиши ва 15 мингга яқин талабанинг яшаш шароитини яхшилаш тўғрисидаги кўрсатма ўрин олган экан. Хўш, бу нималардан далолат беради? Бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин.

— **Маълумки, халқимиз орасида Амир Олимхоннинг гаровга олиб қолинган фарзандлари ҳақида турли гаплар юради. Шулар ҳақида кенгроқ тўхталсангиз.**

— Амир Олимхон 1920 йил 1 сентябрь куни осмондан ва ердан ёғилаётган снаряд, бомба, ўқлардан вайронага айлана бошлаган Бухорони ҳамда қирилаётган қуролсиз аҳолини, халқни кўриб шаҳарни ташлаб чиқишга қарор қилган.

Бухоронинг сўнгги амири Саид Музаффар Олимхон. 1910-йиллар.
(Барча суратлар биринчи бор эълон қилинмоқда).

ларини тахт қилиб турганда эшикдан кириб келган уч нафар оқ халатли киши вакцина олиш, эмлаш лозимлигини айтиб, унга укол қиладилар. «Дўхтир»лар чиқиб кетгач, ярим соат ўтмай Мукаррамахоним ўраётган бўхчаси устига бош қўйганича жон таслим қилади...

— **Бизнинг бугунги тарихимиз Саид Олимхон ва Файзулла Хўжаевларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида жуда кўп мунозарали фикрларга тўла. Сизда ҳам шу ҳақда маълумотлар борми?**

— Шундай маълумотлардан эътиборга молик бир-иккитасини айтишим мумкин. Биринчиси: Бухоро Халқ Нозирлар Кенгашининг Раиси Файзулла Хўжаевга Саид Олимхоннинг Бухорода қолган оила аъзолари бошига Русия подшоси Николай II нинг тақдирини такрорлаш, уларни қириб ташлаш ҳақида тавсия—кўрсатма келади. Лекин Ф. Хўжаев шахсан ўзи бош бўлиб, амирнинг хотин ва қизларини чегарадан ўтказиб, амир ҳузурига етказади.

Иккинчиси: Саид Олимхон Бухородан кетганидан сўнг ҳам Ҳисор, Душанбе шаҳри атрофларида яна олти ойга яқин ҳукм сурган. Кунлардан бирида Файзулла Хўжаевдан юборилган махсус вакил амирга шўролар унинг жонига қасд қилиш учун фитна тайёрлаганлиги, олампаноҳ ўз жонларига эҳтиёт бўлишлари лозимлиги билдирилган нома юборади. Шу сабабли Саид Олимхон атрофидагилар амирнинг яна иккита қиёфадошларини «ясайди»лар. Улардан бири ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай ўлдирилади. Иккинчисини эса Тошкент шаҳрида яшаб, яқиндагина қазо қилган, дейишади.

Саид Олимхоннинг бошқа фарзандлари Афғонистоннинг Қобул шаҳри яқинидаги Қалъаи Фату деган жойда таваллуд топишган. Улар Саид Олимхоннинг ўз никоҳига олган тўрт нафар хотинларидан туғилган бўлиб, барчаси соғ-саломатдирлар. Ҳозирги кунда Амирнинг икки хотини, ўн икки нафар ўғли ва ўн нафар қизи тирик. Улар Туркиянинг Ғозиантиб шаҳрида, Америка Қўшма Штатларида, Олмонияда, Афғонистонда, Покистонда, Саудия Арабистонида ва Эронда истиқомат қиладилар. Амирнинг юзлаб невара, чевара, эвараси бор...

Саид Олимхоннинг Москвага олиб кетилган ўғиллари — Саид Султонмурод, Саид Раҳимхон, Саид Шоҳмурод (чапдан ўнгга). Тахминан 1924 йилда олинган сурат.

Амир Музаффарнинг иккинчи ва учинчи фарзандлари Саид Акрамхонтўра ҳамда Саид Сиддиқхон (у шоир Ҳашмат номи билан машҳур). Афғонистон. 1930-йиллар.

Амирнинг тўнғич ўғли Абдумаликтўра. Рус истилочиларига қарши курашнинг бошида турган.

Саид Иброҳим Олимхон ўғли. Туркияда яшайди.

Саид Ҳоди Олимхон ўғли (Туркия).

Саид Ибод Олимхон ўғли (Туркия).

Саид Абдураҳим Олимхон ўғли (Туркия).

Саид Абдулфаттоҳ Олимхон ўғли. Олмонияда яшайди.



Саид Ҳожи Олимхон ўғли (Туркия).



Саид Кабир Олимхон ўғли. Шоир. Туркияда яшайди.

Шукрия Олимхон қизи. Америка телерадиосининг шарқ тиллари бўйича сухандони. Таҳаллуси Яшин.

Саид Шоҳмурод Олимхон ўғли — Улуғ ватан уруши йилларида.

Саид Умархон ҳозир ҳаёт бўлган фарзандлар орасида энг каттаси. Тахт ворриси.

• *Шифокор огоҳлантиради*

ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

Ҳурматли таҳририят!

Тиббиёт ходимлари зааминеллез касаллиги ҳақида гапириб қолишади. Айтишларича, бу хасталик Ўзбекистонда топилган бўлиб, уни ватандошларимиз кашф этган экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Номоз АБДУМАЛИКОВ,
Ўзун тумани.

Бу саволни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг замбуруғ ва протозой касалликлари республика илмий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нозима Деҳқонхўжаевага ҳавола қилдик.

Дарҳақиқат, зааминеллез касаллиги ҳақида кўпчилик яхши билмайди. Айтайлик СПИД хусусида сўз очсангиз ёш бола ҳам дарров тушунади. Негаки, бизда СПИДга қарши тарғибот яхши ташкил этилган. Лекин инсон саломатлигига катта хавф солувчи зааминеллез касаллигини ҳамма билиши керак.

Етмишинчи йилларнинг бошларида камқонлик, ўпка шамоллаши каби касалликлар, айниқса, болалар ўртасида кескин ошди. Биз аввалига бу хил хасталиклар характери илмий хулосаларимизга тўғри келмаганлигидан ажабландик. Масалан, ўпканинг хириллаши шундоқ эшитилиб турсаю, унга зотилжам деган ташхис қўяй десангиз, рентген тасвирларида шамоллаш аломатлари кўринмасди. Атиги уч ёшга тўлган бола 15 марта зотилжам бўлганлиги бизни ажаблантирарди. Бундай ғайри табиий ҳолатлар, айниқса, Жиззах вилоятининг Зомин туманида кўп учрарди.

Биз изланишни бошладик. Беморлар қонини барча маълум усулларда текширувдан ўтказдик. Ниҳоят беморлар қони таркибида эритроцидлар орасига тушиб қолган ёқутранг «маржон» эътиборимизни ўзига тортди. Қонда илгари биз учратмаган 15 микрон ҳажмдаги ғалати «маҳлуқ»ларни пайқаб қолдик. Бу намуналарни дунёга номи кетган олимларга кўрсатгандик, улар елка қисишдан нарига ўтишолмади. Яна изланишни давом эттирдик. Ниҳоят, уни вирусологик муҳитда ўстириб кўриб бирдан-бир хулосага келдик: касаллик қўзғатувчи — ниҳоятда серҳаракат замбуруғ. Аниқланган нарса турли шаклларга эга эди. Лекин унинг споралари инсон ёки ҳайвон танасига тушиб қолса, ҳар қандай аъзога, қон ҳужайрасига, қон йўлларига ўрнашиб олади, тез урчийди, организм касалликларга қаршилик қилиш қобилиятини йўқотади.

Олимлар ўртасидаги таркиб топган анъанага кўра бу касалликка, келиб чиққан жойига нисбатан берилиб, зааминллез деган ном берилди.

1988 йилда Эстониянинг Силламяэ ва Украннанинг Черновци шаҳарларида болаларда ёппасига соч тўкилиш ҳолати бошланди. Маҳаллий олимлар, шифокорлар бунинг сабабини англаб етолмадилар. Биз касалланган болаларни Тошкентда даволаганимиздан кейингина олисдаги ҳамкасбларимиз зааминеллез ҳақида маълумотга эга бўлишди. Ҳозир бизда ишлаб турган замбуруғ ва протозой касалликлари республика илмий маркази янги касалликка қарши курашаётган жаҳонда ягона муассасадир.

Бу касаллик ўз хавфига кўра СПИДдан қолишмайди. Агар «XX аср вабоси» асосан жинсий йўл билан ёки нина орқали ўтса, зааминеллез эса овқат, қон, она сути ва ҳатто ҳаво орқали юқади. Зааминеллез замбуруғи танага тушгандан кейин уч соат ичида бутун аъзои-баданни эгаллайди. Зааминеллез билан ҳар қандай ёшдаги одам касалланиши мумкин, лекин у болалар орасида жуда кенг тарқалган. Мазкур замбуруғ 42 хил турли касалликлар ниқобига яширинниши мумкин. У зотилжам, бронхит хасталиклари кўринишида учраши, муттасил бош оғриғи, ҳорғинлик, тез-тез шамоллаш, томоқ қичиши, жинсий заифлик аломатларида намоён бўлиши мумкин.

Зааминеллез нафақат МДҲ мамлакатларида, балки Европа, Африка қитъаларида ҳам учрамоқда. Уни амфоторецин препарати билан даволаш тавсия этилади.

Суҳбатдош: Олимжон НАЗАР,
Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҲАР ТОНГ ЮРАГИМНИ КИТОБ ҚИЛАМАН...

ҲАР БИРИМИЗ дунёни ўз тасаввуримиз имкони даражасида идрок қиламиз. Ҳаёт ва инсон оралиғидаги муносабат қадим-қадимдан, Одам Ато фарзандлари ўз ҳақиқатига эга бўлган пайтлардан бери шаклланиб келаяпти. Минг-минг йилларки, ҳазрати Инсон кўнгли ёруғликка талпинади. Бу чароғонлик қаърига инган ҳаловатни эса ҳар қайси қалб турли шаклларда қабул этади ва ҳис қилади. Аллоҳнинг жамоли, илоҳий ишққа юз буриш фозил зотлар руҳини ҳамиша юксакликка олиб чиқди. Мумтоз Шарқ шеърияти дунёни кўнгил кўзи билан англаш, инсон бу фоний дунёдан нақадар баланд эканлигини уқтириб келди. Баркамолликнинг ҳақ йўлини танлаган бу улуғ адабиёт бутун жаҳонни лол қолдирди ҳам.

Юксак истеъдод намунаси бўлмиш етук асарларнинг умри боқий бўлади. Юрагимиз доимо куй-қўшиққа, гўзалликка ташна. Аниқроғи, биз ҳеч қачон санъатсиз яшай олмаймиз. Усиз ўзимизни йўқотиб қўямиз. Шул боис, ҳаётнинг давомийлигига шубҳа йўқ экан, адабиётнинг умри ҳам боқийдир. Фасллар алмашади. Йиллар ўтаверади. Шеърият замон ва макон сувратини кўтариб, дилларга эзгулик ниҳолларини экаверади.

Бугунги ўзбек шеърияти шубҳасиз ўз ўрни ва шуҳратига эга. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти бугундан бошлаб катта манзил саналмиш Шеъриятнинг азобли ва нурли кўчаларида бедор юрак-ла кезаётганларни ўз даргоҳига чорлайди. Сиз азиз мухлислар, бундай учрашувларда Абдулло Ориф, Эркин Воҳид, Рауф Парфи сингари улкан шоирларимиз билан биргаликда... шеъриятнинг кенжа авлоди саналмиш Зебо Мирзаева, Қўчқор Норқобил, Салим Ашур... ва тағин неча ўнлаб ёш шоирлар билан учрашасиз.

«Китоби чиққан» шоирдан тортиб, ўзига хос йўл излаётган, шеърларини курсдош шоирага қимтиниб ўқиб бераётган талаба, биз сизларнинг юрак дардларингиз билан газетамиз ўқувчиларини таништирмоқ умидидамиз. Бизнинг эшигимиз ҳамма-ҳаммангиз учун кўнглимиз каби очиқдир.

Норқобил ЖАЛИЛ,
Адабиёт, фан ва маданият бўлимининг мудири.

• ТЎЙХАТ ЎРНИДА

САИДКАРИМ АКАНИНГ САКСОН САВОБИ

САИДКАРИМ ака саксонга кирибди... ишонмадим. Нега ишонай, ахир? Чунки яқиндагина у киши каттакатта давраларда Ўзбекистоннинг ёруғ эртаси ҳақида куюниб гапирардилар. Ҳеч ташвишлари тугамас, доим савобли юмушларни бошлаб юрардилар.

У киши ўз фаолиятларини бошлаганларида айни урушнинг қизиган паллалари эди. Ҳаммаёқда нотинчлик. Айниқса, республика қурилиш материаллари вазири бўлиб ишлаган йиллари Саидкарим Зиядуллаев тиним билмасди. Орадан кўп ўтмай 1948 йили у кишини Давлат режа комитетига раисликка сайлашди. Шу вазифада 25 йил меҳнат қилди. Унинг серқирра истеъдоди Бухоро—Урал газ қувурини ўтказишда ва шу соҳага оид лойиҳани тайёрлашда яққол намоён бўлди. Гап шундаки, 500 миллиард кубометр заҳирага эга бўлган Газли кони топилган эди. Марказнинг «жадал» тазйиқи билан бу газнинг кўп қисмини Урал саноатига бериш режалаштиришга мажбур бўлинди. У пайтларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар кўп эди. Айрим узоқни ўйламай йўл тутган лойиҳачиларнинг мақсади бу қувурларни Ўзбекистон вилоятларидан узоқроқ масофалардан олиб ўтишга қаратилган эди. Саидкарим Зиядуллаев бундай лойиҳаларга кескин қарши чиқиб, қувурларни айнан Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларига яқин жойлардан ўтказилишини қаттиқ туриб ёқлади. Чунки у шу ўлкаларни келгусида газлаштириш зарурлигини кўнглига тугиб қўйганди. Ниҳоят унинг бу орзуи амалга ошди.

Саидкарим аканинг савобли ишларидан яна бири — Марказий Осиёда биринчи бўлиб қурилган Тошкент метросининг лойиҳасини тасдиқланиши билан боғлиқ. У киши бу соҳада жуда катта ташаббус кўрсатиб, Шароф Рашидовнинг топшириғи билан СССР Министрлар Советининг раиси қабулига борди ва метронинг Тошкентда қурилиши зарурлигини ҳар томонлама асосланишига ҳисса қўшди. Кўп ўтмай мазкур қурилиш учун керакли маблағ олишга ҳам муяссар бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонни электрлаштириш ишларида, масалан, электростанция- (газ билан ишлайдиган Сирдарё, Тошкент, Навоий ГРЭСлари) қурилишларида ҳам катта жонбозлик кўрсатди. Энг ташвишли ва долзарб масала ҳисобланмиш — Орол муаммосини ҳал этишнинг бирдан-бир йўли, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга Сибирь дарёларидан сув олиб келиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан қайта-қайта матбуотда чиқишлар қилди. Афсуски, бу ғоя марказ томонида катта қаршиликларга учради.

Юқоридагилар Саидкарим Зиядуллаевнинг давлат арбоби сифатида амалга оширган вазифаларидан бир қисмигина, холос. У киши ўз фаолиятини доимо илм-фан ютуқлари билан чамбарчас боғлаб олиб борди. Фан доктори унвонига муяссар бўлди. Иқтисодиёт мавзуида кўпгина асарлар яратиб, собиқ Иттифоқда машҳур иқтисодчи сифатида танилди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги бўлиб сайландилар.

Булар катта тўй баҳона айтилган айрим мулоҳазалар, холос. Чунки етук давлат арбоби, машҳур олим, академик Саидкарим Зиядуллаев ҳақида чоп этилган кўплаб рисолаларда у кишининг бутун илмий фаолияти ўз ифодасини топган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин: Саидкарим ака саксонга кирган бўлса ҳам энг камида саксонта савоб ишни қилган.

Қутлуғ кунларда у кишига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омонлик тилаймиз.

Обид АКРАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.



Қўчқор Сурхон воҳасининг Олтинсой туманидан. У юрак азобларини яширмайди. Энг муҳими, шеър инсоннинг ўзи, изтироби эканлигини англай олади.

Қўчқор Норқобил

ХОСИЯТЛИ ДУНЁ

(ТУРКУМДАН)

Алвидо толиблик, алвидо сабоқ...
Сўнгра... шеърлар битдим
дардимдай узун.
Менинг йиғим билан уйғонган
ёток,
Телба талабага тиларди тўзим.
Осмонда лолалар тўлиб кетарди,
Ортингдан йўлаклар қоларди
қуйиб.
Менинг кўзларимни олиб ўтардинг
Севгим, лолагулли кўйлаклар
кийиб.
Мен ўзни қамадим...
занжирбанд этдим,
Сездим...
осмондилга йўқдир керагим...
Лаҳаддай хонамни фарёдим тутди,
Охир сени излаб кетди юрагим.
Дарслар қолди Сенинг ўйингда,
Ҳижрон ғолиб келган кунимдан.

Коптоккорин домла куюнди:
«Йўқотаман дорилфунундан!!!»
Шодон, ғамгин чайқалиб кулди,
Сабоқларга чанқоқ болалар.
Дедим: «Домла, тушунмасдилар,
Мендай суйса манов каллалар...»
Бездим...
Маърузалар!-
ҳар кун панд едим,
Қор ёғди доцентлар қабоқларидан.
Домла, мен ўрганиш билан банд
эдим
Кутқазинг!
Ҳижроннинг сабоқларидан.
Кўйлагинг гуллари кўзимда қолди,
Дил ўйнар рўмолинг ипакларини.
Ҳар тонг ёстиғимнинг тагидан
олдим —
Қучоқлаб йиғладим
шиппакларингни.

* * *

Оғир бўлди,
бизлар йиғладик,
Тун сесканди, титрар
елкалар.
Қучоғимда қорайган дунё
Кўзларимдан оқди оқ
кунлар.
Оҳ,
У кунлар бизлар оқ
эдик,
Оппоқ эди ҳамма кўйлагинг.
Гуллар унган тилларинг
билан
Мен ҳақимда тинмай
куйлардинг.
Кўзларимда яшринган гулим,
Армонларга қўшилиб
оқдинг,
Тақдир энди чексиз дунёни
Уксик дилга этмоқда
тақдим.
Биз айрилдик муродга етди,
(Йиғлар ҳатто кўк чироқлари)
Бу дунёнинг беюрак, беҳис,
Ҳижрон бошлиқ
қароқчилари.
Сен кетасан — йўлларинг
ёнар,
Сўзлари чўғ, киприги олов...
Рўмолгинанг қўлимда қолар,
Хотирамга бўлгали ялов...
Хўш бор, майли,
тўйгинанг бўлсин.
Куй оқизиб кетсин
барчани...
Ет уйларда эслама фақат
Йиғлаб турган
шоирваччани.

* * *

ҲАЛИМА ОПАГА

Кўнглим арқонига дардлар боғланди,
Боғланди зарраю тоғлари билан.
Кўнглимда қиш, кузак, ёзлар боғланди,
Гуллади юрагим... доғлари билан.
Пастлар вулқон деди,
гулга айландим.
Мен бир гўдак бўлдим,
асрар қайси кўл?
Қасдлар қалқон деди,
чўлга айландим —
Сиздан меҳр истаб ёнаётган чўл.
Тунларга сиғмадим,
кафтимда юрак...
Дунё сиғмай қолди менинг ўзимга.
Мен шундай яшайман
бошқа не керак?!
Улиммас,
шеърларим турар бўғзимда.
Мени тушунганга жонимни тутдим,
Менинг жоним шунча кўпмиди, Эна?!
Қирқ йилки фалакдан ёруғлик кутдим,
Қирқ йилки... тош отиб чарчади дунё.
Ҳар тонг Салом деди,
кўксимда Ханжар...
Ачиндим кўзимнинг чақмоқларига.
Биз қирқ йил чидадик...
юрак иккимиз
Ханжарларнинг ёниб боқмоқларига.
Шеъру ишқ аралаш узун тунларнинг
Азоблари ичра яшадим бедор.
Ханжарлар!!!
Сизсиз ҳам беруҳ кунларим
Қуриб қўйибдилар ўзим учун дор.
Шукр- Майдаликни суймадим фақат
Дўстлар ҳайрон боқур гоҳо ҳолимга...
Ким мени изласа топади албат
Қизғалдоқлар териб юрар Ҳалима.

Нодира Баратова

БИР ДАРАХТ ГУЛЛАЙДИ...

* * *

Мунглиғим, кимларни кутдинг
тун бўйи,
Кимлар нигоҳингни айлади ҳавас.
Ахир шуълаларинг таратган бўйи—
Нақадар муаттар. Кунлар —
муқаввас.
Қўй, мендан сўрама, нурнинг
нелигин,
Мен ўзим исмингни улардан
сўрдим.
Ҳокистар дилимда чайласин
қурган —
Олмос кўзларингда яшринган
мардум
Кечир, тунлар сенинг
ишқингда куйган
Дилсўз, сочлари оқ, риндонда
жонни.
Қачон юзларимга тўкиб
юбординг—
Юрагим рангини олган осмонни.
Ой йиртиб ташлади кўзларимга-ей,
Номаҳрамлар кўрган бисгарларини,
Ҳануз қўлларини ҳидлаб юраман
Фироқларнинг номсиз
дафтарларини.
Сен эса кимларни кутдинг
тун бўйи...

ШИРИН АЗОБЛАР

Сизни унутаман, ғамгин кечалар
Тераклар рақсга тушса шамолда.
Сизни унутаман, хазон кўчалар
Юраги бўшаган йўллар —
(Оролдай).
Сизни унутганман телба ўйларим
Кечалар кўзимни тарк этмаса ҳам.
Ҳар кун қуёш чиқар ўтида ёниб,
Ҳар тун тушларимда касалманд
онам.
Сизни унутдимми мен —
бағри яра?!
Маҳот кўзларимга сиғди
тинч уйқу
Кетинг, уйларимдан далли
ҳаёллар —
Ким у, тунлар ичра инграган
ким у?
Сизни унутолмай йиғлайман унсиз
На кўзимда ёш бор, на қўлда
қалам.
Мен қуёшни сира кўрмасман асло,
Агар шу оқшомда сизни унутсам.
Сизни унутолмам ширин азоблар...

* * *

Нафармон кўнглимнинг кўчаларида
Бир дарахт гуллайди. Гуллари —
армон.
Заъфарон кузакнинг кечаларида
Мени интиқ кутдинг, мушфиқ
онажон.
Энди ишонмайман кечаларга мен
Қўшилмайман туннинг
нолишларига.
Она, бошларингни қўя қол, ахир
Соғинчимнинг оппоқ болишларига.
Баргрезон — дилимни тўлдирган
япроқ,
Соғинчларим сағир...
Соғинчим етим.
Қанча умрим йитди, кўҳна
шаҳарда
Яна қанчасини бефарқ йитиргум.
Нафармон кўнглимнинг бир
бурчагида
Меҳрнинг хароба чайласин
кўрдим...

БУХОРО вилояти.

Салим Ашур

Салим кўнгилнинг шоири. Тўкилиб-тўкилиб ёзади. Сўзларни жонидан яхши кўради. Мавзу танламайди. Айниқса муҳаббат... Яхшиси, шеърларини бир ўқинг, кейин айтасиз.

Айни пайтда «Саодат» журналида бўлим мудири.

ДЕРАЗАДАН БОҚДИМ ОЧУНГА

* * *

Бугун кўриб қолдим
сизни йўлакда,
Кўзларим синдирди
қабоқларини
Қароғим оқ, қора ҳарир
йўргакда
Синдирди қора, оқ,
табоқларимни
Бугун кўриб қолдим
йўлакда сизни,
Кўзларимдан қочти
иккита кафтар,
Сарғайган соғинчлар
сочарди бизга
Тўзғиётган хазон —
тўзғиган дафтар.
Хотирам кўкарди кечки
майсадай,
Кузги қуёш мисол кулди
юзингиз.
Шамоллар хаёлим боққа
ёйсалар,
Мени йўлакдаги гулдай
узинг-сиз
Мажнунтол тўр солди
сизга йўлакта,
Қайта ошиқ бўлдим. Дил
берди гардун.
Сочингиз тирилди ўлган
юракта...
Кўриб қолди сизни йўлакта
сукун.

* * *

Мен келдим,
Дилимдан поралар бериб
Юзи бужур йўлнинг сепкил
— тошига.
Қайиқдек сузарди
ботинкаларим
Ғарқ бўлиб ёмғирми,
кўзим ёшига.
Аскардек тик ухлар
қора қамишлар,
Мен келдим.
Дарахтлар —
лашкарбошилар.
Ухлар чўнтагимда,
гугурт қутида
Оловлар, гулханлар,
ўчиш, ёнишлар.
Қизларига ҳушёр отадек
даҳа
Менга қарши қопқир итлар
ёлларди.
Чўчиб қараб қўйсам
осмонга, вах-ҳа,
Ой-да юзларини тўсиб
оларди.
Мен келдим.
Жанглару жадаллар тугаб,
Ер юзида ёлғиз қолгандим
гўё
Ҳар имо, ҳаракат
ҳар қадамимни
Етиб кузатарди минг кўзли
дунё.
Тун эди.
Мен келдим.
Дўкон ва бекат
Бир-бирига йўллар ёруғ
табассум.
Гоҳ ортимга қочган,
Гоҳ олдга чопган
Соямни ёнимда кўраман
бир зум.
Мен келдим.
Тун эди.
Атроф сокин, жим.
Дарахтлар турарди бир
паришонҳол.
Олам ухлар эди
Оқ ёстиқ узра
Тўзғиган, сочилган
сочингиз мисол.
Мен келдим.
Ташладим остонангизга
Гул эмас, сиз суйган
бешта ярамни.
О, жаҳон, кўргил мен
қандоқ оғрийман,
Қоронғу кўролмай қолди
қорамни.
Мен келдим...

* * *

Чарчамади кун бўйи ёмғир,
Қарай-қарай кўзлар
толдилар,
Нафас олиб оғирдан-оғир
Эшикка суяниб қолдилар.
Кун бўйи, кун бўйи, кун бўйи
Чарчамади чўзилган ёмғир.
Тун куйи, тун куйи, тун куйи
Аччиқ чоғир ва очиқ сағир.
Кун бўйи, кун бўйи, кун бўйи
Деразадан боқдим очунга.
Кўз тўлди топ-тоза,
ям-яшил
Гултувакда ўсган тутунга.
Кун бўйи, кун бўйи, кун бўйи
Дераза ёнида ўтирдим.
Тун куйин, тун куйин,
тун куйин
Ўзбек тилига ўгирдим.

Марҳабо Собирова

ОЙНИНГ СОЧЛАРИНИ СИЛАЙДИ ЮЛДУЗ

* * *

Бир куни қишлоқдан бош олиб
кетсам,
Бобурнинг армони бағримни тилса.
Малик бобом руҳи сўнг бора
қайтиб,
Хўжанд боғларидан бир мени
сўрса,
Ой момо, жон момо, унда
не бўлади?
Онам қучоғини тилиб хотирлар,
Юраклари — армон бетин йиғласа.
Ортимдан тизилиб карвондек
сўзлар,
Юртим момолари оғир қарғаса,
Ой момо, жон момо, унда
не бўлади?
Вужудим — юракнинг мўмин
бандаси,
Ўзга юртни Ватан айласа абад.
Бир кун-эй, бир куни ўзга тупроқда
Марҳабони ўлдирса шу муҳаббат...
Ой момо, жон момо, унда
не бўлади?

* * *

Эшигимдан беҳол қайтар совчилар,
Бунчайин бу қизнинг юраги тошдан.
Ахир тегиб кетаверардиг-а биз,
Ошар-ошмас ўша ўн саккиз ёшдан.
Эшигимдан беҳол қайтар тугунлар,
Тўққизларин йиғлоқ бағрига босиб.
Кўз ёшлар онамнинг юзини чаяр:
«Қизим, кетдингку, ўн тўққиздан
ошиб!...»
Эшигимдан беҳол қайтар орзулар,
Умидларнинг тоқатлари тоқ энди.
Бехос вужудимдан недир узилар,
Юрак совчигамас, ишққа зор эди!

* * *

Зулматни ёпиниб ухлайди кундуз,
Шафақни туш кўрар қўйнида қуёш.
Ойнинг сочларини силайди юлдуз,
Ҳижрон—йиғлоқ қизга инади
бардош.
Иложсиз охирлаб боради кеча,
Йиғлоқи кўзида уйқу тунайди.
Тун — келинбекانинг тиниб
кўз ёши
Армонни етаклаб сокин жўнайди...

ХЎЖАНД.

Футбол

«...ИККИ ҚАДАМ ОРҚАГА»МИ?

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги ўйинлари ҳал қилувчи босқичга кирди. Олтин медаль қайси командага насиб этади? Кечаги тур учрашувларидан кейин бу масала бироз ойдинлашгандай бўлди. Шунга қарамай яхшиси ҳозирча фол очмай турайлик. Чунки тўп думалоқ. Ҳар нарса бўлиши мумкин.

Хабарингиз бор. «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари учрашуви мухлису мутахассисларда катта қизиқиш уйғотганди. Шундай ҳам бўлди. Тошкентлик футболчилар бу ўйинда 5:4 ҳисобида устун келишди. Таъбир жоиз бўлса, қўш очко билан пахтакорчилар чемпионликка даъвогар сифатида олға бир қадам қўйишганди. Лекин...

«Пахтакор» кейинги ўйинни ҳам ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» командаси билан ўтказди. Очиғи, кўпчилик «Пахтакор»ни ютади, деб ўйлаганди. Дастлабки 45 минут 1:0 ҳисобида якунланди. Майдон эгалари олдинда. Танаффусдан кейин эса «Пахтакор»нинг ҳимоячи ва дарвозабони қўпол хатоларга йўл қўйишди. Бундан фойдаланган меҳмонлар кетма-кет уч тўп киритиб олдинга ўтиб олишди. Тошкентлик футболчилар бундай бўлишини кутишмаганди, шекилли. Энди қандай бўлмасин ҳисобни тенглаштириш керак. «Пахтакор» ҳужумга ўтди. 73-минутда Илҳом Шарипов орадаги фарқни қисқартирган бўлса, икки минут ўтгач, Миржалол Қосимов чиройли тўп киритди 3:3. Ўйин тугашига эса 15 минут вақт бор эди. Яна ҳужумга зўр берилса, «Пахтакор» ғалаба қозониши мумкиндек туюлди. Бироқ ҳаммаси зое кетди. Дуранг.

Назаримизда бу учрашувдаги дуранг «Пахтакор» учун мағлубият билан тенг бўлди. Чунки ўтган ўйинда ютиб олга бир қадам ташлаган бўлса, «Сўғдиёна»га қарши очкони бой берганликлари «икки қадам орқага» чекиниш билан баробар бўлди.

Равшан ШОДИЕВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА УҚИЙСИЗ:

- Самарқандни Искандар бино қилганми?
- «Кеча» бору, «кундуз» йўқ.
- Парфия (давлатчилигимиз тарихидан)
- Ўн тўрт ёшли фермер.
- Есанг қиёқ, емасанг... таёқми?
- Туҳмат балоси (фельетон)

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ — 14. X соат 17.00 да **«Юлдузли тунлар»**. 15. X. соат 17.00 да **«Шум бола»**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ — 14. X. соат 18.00 да **«Анқовлар чайқови»**. 15. X. соат 18.00 да **«Фарҳод ва Ширин»**.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 189. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: Т.ЭШБЕК. А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.